# ИНСОН ВА ҚОНУН

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ АДЛИЯ ВАЗИРЛИГИНИНГ ҲУҚУҚИЙ ГАЗЕТАСИ

e-mail: insonvaqonun@minjust.gov.uz
www.insonvaqonun.uz
www.insonvaqonun.adliya.uz

2018 йил 1 май
сешанба № 17 (1117)





Президентимизнинг 2018 йил 13 апрелдаги **“Давлат ҳуқуқий сиёсатини амалга оширишда адлия органлари ва муассасалари фаолиятини тубдан такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида”**ги Фармони ва **“Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги фаолиятини тубдан такомиллаштиришга доир ташкилий чора-тадбирлар тўғрисида”**ги Қарорига биноан мамлакатимизнинг барча туман (шаҳар)ларида адлия бўлимлари ўз фаолиятини бошламоқда.

## ИМКОНИЯТДАН МАМНУНМИЗ

ҲОЗИРГИ кунда фуқаролар ўртасида ҳуқуқий тарғиботни кучайтириш соҳа ходимларининг энг асосий вазифаларидан бири ҳисобланади. Давр талабидан келиб чиққан ҳолда жойларда ҳуқуқий тарғиботни кучайтиришда малакали мутахассислар хизматидан фойдаланиш бош масала бўлиб қолмоқда. Шу боис адлия органлари ва муассасалари фаолиятини тубдан такомиллаштириш бўйича қатор ҳуқуқий ҳужжатлар қабул қилинди.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2018 йил 13 апрелдаги “Давлат ҳуқуқий сиёсатини амалга оширишда адлия органлари ва муассасалари фаолиятини тубдан такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги Фармони ҳамда “Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги фаолиятини янада такомиллаштиришга доир ташкилий чора-тадбирлар тўғрисида”ги Қарори шулар жумласидан.

Тарихий аҳамиятга эга бўлган ҳужжат орқали вертикал бошқарув асосида илк маротаба туман (шаҳар) адлия бўлимларини ташкил этиш йўлга қўйилди.

**Туман (шаҳар) адлия бўлимларининг ташкил этилиши билан:**

*– фуқароларнинг ҳуқуқий муаммолари бартараф этилади, манзилли ҳуқуқий тарғиботни амалга оширишга тўсқинлик қилаётган ҳолатларга барҳам берилади;*

*– ҳуқуқни қўллаш амалиётини тизимли таҳлил қилиш ва унинг изчиллиги ҳамда бир хиллигини таъминлаш бўйича таъсирчан чораларни ишлаб чиқиш, соҳа мутахассисларининг ўз вазифаларини бажаришлари натижасида ҳуқуқий нормаларнинг ўзбошимчалик билан нотўғри талқин қилинишига йўл қўйилмайди ва жойларда давлат органлари ва бошқа ташкилотларга ҳуқуқий маслаҳатлар бериш бўйича самарали ишлар ташкил этилишига эришилади.*

Фармондан келиб чиқиб туман (шаҳар) адлия бўлимлари тузилди, улар айни кунда малакали кадрлар билан таъминланмоқда.

Андижон вилоят адлия бошқармаси бошлиғи ташаббуси билан Марҳамат туманида ҳам адлия бўлими ташкил этилди. Бўлимга алоҳида бино ажратилиб, талаб даражасида жиҳозланди. Замонавий ахборот коммуникация технологиялари билан таъминланди. Фуқаролар учун кутиш хонаси ва унда компьютер орқали қонунлар, норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар билан танишиш имконияти яратилди.

Шунингдек, Андижон шаҳар адлия бўлими шаҳар ФҲДЁ бўлими биноси биринчи қаватига жойлаштирилиб, ўз фаолиятини бошлади.

Адлия бўлимлари вилоятнинг Андижон, Асака, Избоскан, Пахтаобод ва Хўжаобод туманларида ташкил қилиниши натижасида бинолар фойдаланишга тайёр ҳолга келтирилди. Қолган туманларда ҳам адлия бўлимларини ташкил этиш бўйича зарур чора-тадбирлар амалга оширилмоқда. Ушбу туман (шаҳар)лар бўлимлари бўлим бошлиқлари ўз лавозимларига тайинлангандан сўнг фаолиятларини бошлайдилар.

Давлат органлари, нодавлат нотижорат ташкилотлари вакиллари ва фуқаролар туман (шаҳар)ларда адлия бўлимлари ташкил этилганлиги ҳақида ўз фикрларини билдирдилар:

**Шуҳратбек ҚАМЧИЕВ,**
**Марҳамат туман ҳокими:**

– УШБУ Фармоннинг қабул қилиниши билан адлия бўлимларидан қонунлар ва бошқа норматив-ҳуқуқий ҳужжатларни қўллаш масалалари бўйича маслаҳатлар олиш имкониятига эга бўлдик. Бу эса фаолиятимизда хато ва камчиликлар келиб чиқишининг олдини олади. Туманимизда адлия бўлими томонидан маҳаллаларда тарғибот ишларининг кенг йўлга қўйилиши натижасида аҳолининг ҳуқуқий саводсизлиги ортидан келиб чиқиши мумкин бўлган муаммоларнинг олди олинади. Шу билан бирга туманда жиноятчилик, ҳуқуқбузарлик каби иллатларнинг олдини олишда адлия бўлимларининг фаолияти муҳим. Бунда туман ҳокимлиги ва бошқа мутасадди ташкилотлар ҳамкорликда иш олиб борадилар. Бундай имконият фуқароларнинг қонунларга ҳурматини, адолатни қарор топтиришга бўлган ишончини янада мустаҳкамлайди.

**Муҳаммадислом АҲМАДЖОНОВ,**
**Марҳамат тумани прокурори:**

— Ушбу Фармон мамлакатимизда қонун устуворлигини таъминлаш, фуқароларнинг ҳуқуқий билимини ошириш ва ҳуқуқий маданиятини юксалтириш сари қўйилган муҳим қадамлардан бири бўлди. Инсон ҳуқуқларини ҳимоя қилиш, мурожаатларни Ўзбекистон Республикасининг “Жисмоний ва юридик шахсларнинг мурожаатлари тўғрисида”ги Қонуни талаблари асосида ҳал этиш Фармоннинг асосий талабларидан биридир. Шундан келиб чиқиб, инсон ҳуқуқлари ва қонуний манфаатларини таъминлаш йўлидаги ишларимиз “Халқ давлат органларига эмас, балки давлат органлари халқимизга хизмат қилиши керак”, дея илгари сурилган ғояга амалий жавоб бўла олади. Прокуратура органлари ва туман адлия бўлимларининг ушбу соҳадаги ўзаро ҳамкорликлари кутилган натижани беради.

**Абдуқаюм МАНАСОВ,**
**Фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари фаолиятини мувофиқлаштириш бўйича Марҳамат туман кенгаши раиси ўринбосари:**

— Туманимизда адлия бўлимининг ташкил этилганлигидан бағоят хурсандмиз. Шу кунга қадар барча маҳаллаларда аниқланган муаммолар асосан фуқаролар ҳуқуқий билимларининг етарли эмаслиги туфайли келиб чиқаётганлигига амин бўлдик. Фуқароларимиз у ёки бу масалада маҳалла идорасига мурожаат этганларида бу масала юзасидан ҳуқуқий маслаҳат берувчи мутахассисларнинг етарли эмаслиги сабабли улар ўз муаммоларига ечим топа олмай сарсон бўлар ва юқори ташкилотларга мурожаат этишларига тўғри келар, бу энг оғриқли нуқтамиз эди. Эндиликда туманимизда адлия бўлими ходимларининг биз билан биргаликда иш олиб боришлари учун имкониятнинг яратилиши халқимизнинг узоғини яқин қилиб, сарсонгарчиликларига барҳам беради.

**Маҳаммаджон ШОМАТОВ,**
**Марҳамат туман халқ таълими бўлими мудири:**

— Адлия бўлимларининг ташкил этилиши маҳаллаларда ота-оналар ўртасида ҳуқуқий тарғибот олиб боришда алоҳида ўрин тутади. Келгусида биз соҳа ходимлари билан биргаликда вояга етмаганлар ўртасида жиноятчилик, ҳуқуқбузарликларнинг олдини олиш, ота-оналарнинг фарзанд тарбиясидаги масъулияти ва жавобгарлигини белгиловчи норматив-ҳуқуқий ҳужжатларни тарғиб қиламиз. Умумтаълим мактабларида ўтказиладиган танловлар, турли хил тадбирлар, очиқ мулоқотларга туман адлия бўлими ходимларини бевосита таклиф этиш имкониятига эга бўлдик. Бундан ташқари, коррупциянинг олдини олиш ва унга қарши курашишда адлия бўлимлари энг яқин ҳамкоримиз бўла олади.

**Хафиза МАМАРИЗАЕВА,**
**Тадбиркорлар ва ишбилармонлар ҳаракати — Ўзбекистон либерал-демократик партияси Марҳамат туман Кенгаши раиси:**

— Президентимизнинг адлия органлари фаолиятини тартибга солиш борасидаги Фармон ва Қарори билан танишиб чиқиб, ўз олдимизга қатор вазифаларни белгилаб олдик. Фуқароларнинг сиёсий ва ҳуқуқий билим даражаси уларнинг жамиятдаги ўрнини белгилайди, сиёсий фаоллигини оширади. Туман партия ташкилотимиз ҳозирги замон талабидан келиб чиққан ҳолда мамлакатимизда тадбиркорлик фаолиятини ривожлантириш билан боғлиқ қабул қилинаётган норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар ижроси юзасидан тарғибот-ташвиқот ишларини олиб боради, тадбиркор ва ишбилармонларни ўз сафига бирлаштиради. Ҳуқуқий тарғибот масаласида ижобий натижаларга эришишда туман адлия бўлими кўмагига таянамиз.

**Тохиржон АҲМАДАЛИЕВ,**
**Фуқаролик жамиятини шакллантиришни мониторинг қилиш мустақил институти Андижон ҳудудий бўлинмаси бошлиғи:**

— Бугун суд-ҳуқуқ тизимида олиб борилаётган ислоҳотлар фуқароларнинг ҳуқуқ ва эркинликларини таъминлаш тизимини мустаҳкамлашга қаратилган. Жойларда маъмурий ва иқтисодий судларнинг ташкил этилганлиги одил судловга эришиш даражасини ошириш имконини берган бўлса, туман (шаҳар) ларда адлия бўлимлари ўз фаолиятларини бошлаганликлари ягона давлат ҳуқуқий сиёсатини, жумладан, ҳуқуқ ижодкорлиги фаолиятининг сифатли ташкил этилишида алоҳида аҳамият касб этади ва ҳуқуқни қўллаш амалиёти бўйича танқидий таҳлил асосида аниқ чора-тадбирларни амалга ошириш имконини беради.

**Розиқжон ТЕШАБОЕВ,**
**Марҳамат туман Тош йўли маҳалласи фаоли:**

— Мен туманнинг чегара ҳудудида яшайман. Мен каби қишлоғимиз аҳолиси қонунларда белгиланган ҳуқуқларидан кенг фойдаланади. Бироқ айрим муаммоларимиз юзасидан ҳуқуқшунос маслаҳати зарур бўлиб қолади. Масаламизнинг ҳал бўлишида қийинчиликларга учраймиз. Қонунни яхши билмаслик ва тушуниб етмаслик салбий оқибатларга олиб келишини ва жавобгарликдан озод қилмаслигини биламиз. Адлия бўлимларининг ташкил этилганлиги ҳуқуқий билимларимизни оширади, деб ўйлайман. Бу янгиликдан ҳаммамиз бирдек мамнунмиз.

Туман (шаҳар) адлия бўлимлари ходимлари Фармон ва Қарорда белгиланганган вазифаларни масъулият билан бажариб, соҳа ривожига ўз ҳиссаларини қўшадилар.

## БОЁВУТ ТУМАНИДА АДЛИЯ БЎЛИМИ ИШ БОШЛАДИ

**Жаҳонгир ШОМИРЗАЕВ,**
**Боёвут туман адлия бўлими бошлиғи:**



— ЖОРИЙ йилнинг 28 апрелида Боёвут туманида адлия бўлими ўз фаолиятини бошлади. Дастлаб бўлим томонидан шу куннинг ўзида туман кўп тармоқли шифохонасида ҳуқуқий йўналиш бўйича Вазирлар Маҳкамасининг 2017 йил 19 июлдаги “Мактабгача таълим муассасаларининг фаолиятини такомиллаштириш тўғрисида”ги қарорининг ижросини таъминлаш бўйича туман ҳудудида таълим муассасалари тарбиячиларини тиббий кўрикдан ўтказиш қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда ташкиллаштирилди.

Шу куннинг ўзида бўлим томонидан ишсиз юрган 3 нафар фуқаро тумандаги 1-сон умумтаълим мактабига шартнома асосида ишга жойлаштирилди.

Бўлим ташкил этилиши муносабати билан туман ҳудудидаги адвокатлар, юридик хизмат ходимлари билан учрашувлар ўтказилди. Туман ҳокимлигида бўлиб ўтган йиғилишда адлия бошқармаси бошлиғи Шокир Саидов, туман ҳокими Ойбек Ашурматов ҳамда тумандаги давлат ташкилотлари ва муассасалари бошлиқлари иштирок этди.

Бугунги кунда адлия органлари ҳуқуқни муҳофаза қилувчи орган сифатида ўз фаолияти юзасидан ҳудудларда давлат ҳуқуқий сиёсатини амалга оширишда давлат органлари ва ташкилотларига услубий раҳбарлик қилиши белгиланди.

Янги ташкил этилаётган ҳудудий адлия бўлимлари ҳудудларда давлат органлари ва ташкилотлари томонидан қонунлар ва бошқа норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар ижросини ташкил этишда, норматив-ҳуқуқий ҳужжатларнинг ҳуқуқий экспертизадан ўтказилишини таъминлашда, жисмоний ва юридик шахсларни ҳуқуқий ҳимоя қилишда, юридик хизмат ходимларининг фаолиятини доимий назорат қилишда ҳамда ҳудудлар аҳолисининг ҳуқуқий онг ва ҳуқуқий маданиятини ошириб боришда, бу билан фуқароларнинг ҳуқуқий саводсизлигига барҳам беришда асосий фаолиятни олиб боради.

Эндиликда ҳудудий адлия бўлимлари томонидан норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар матнларининг соҳавий электрон базаси (банки) ҳокимлик ҳамда давлат органлари ва ташкилотларининг туманлар (шаҳарлар) тузилмаларига жўнатилади. Қонунлар ва бошқа норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар ижроси ташкил этилиб, мазмун-моҳияти ва аҳамияти ижрочиларга етказилади. Даставвал ҳудуддаги ҳуқуқни муҳофаза қилувчи, суд ҳамда маҳаллий давлат ҳокимияти органлари, ташкилотлар билан ўзаро ҳамкорлик йўлга қўйилади. Аҳолига давлат хизматларини кўрсатишнинг белгиланган тартибига риоя этиш ҳолатини, шу жумладан, жойларга чиққан ҳолда текшириб, ҳуқуқий хизмат кўрсатувчи адвокатура, нотариат ва бошқа тузилмалар билан ҳудудда фуқароларга сайёр ҳуқуқий хизмат кўрсатиш ҳамда аҳолининг ҳуқуқий муаммоларини жойига чиқиб аниқлаш ва бартараф этиш юзасидан чоралар кўрилади.

## АДОЛАТ УСТУВОРЛИГИ САРИ ЯНА БИР ҚАДАМ



**Фарҳоджон КАЗАКОВ,**
**Навоий шаҳар адлия бўлими бошлиғи:**

— ХАЛҚИМИЗДА “Ҳисобини билмаган ҳамёнидан айрилар”, деган сермаъно нақл борлигини яхши биламиз. Ҳуқуқини билмаган инсон эса нафақат ҳамёнидан, балки ўзининг ҳуқуқ ва манфаатларидан, юксак орзу-умидларидан, барча имкониятларидан айрилиши мумкинлиги аниқ.

Юқоридаги Фармонга асосан адлия органларининг туман, шаҳарлар бўйича бўлимларининг ташкил этилиши мамлакатимизнинг ҳуқуқий сиёсатини жойларга, айниқса, чекка ва олис туманларга тўлақонли етказиш ва энг муҳими, ҳаётга татбиқ этиш имконини яратганлигини алоҳида эътироф этиш мумкин.

Бундан ташқари, ҳар бир қарорнинг қонунийлиги давлат ва жамият ҳаётида муҳим аҳамият касб этади. Чунончи, авваллари туман ва шаҳар ҳокимларининг қарорлари вилоят адлия бошқармаси томонидан экспертизадан ўтказиларди. Ҳокимлар томонидан қабул қилинган айрим қарорларнинг қонун талабига риоя этилмаганлиги аён бўларди. Ва ижро жараёнида бу катта хатоларни, муаммоларни келтириб чиқариши аниқ эди. Бундай ҳолатлар қарорларга тегишли тузатишлар киритишни тақозо қиларди. Бу, албатта, фуқароларнинг ҳокимликлардан ҳақли равишда норози бўлишларига сабаб бўлиб, мурожаатларнинг кўпайишига олиб келарди.

Фармонда айнан ана шу масала- туман ёки шаҳар ҳокимликлари ва халқ депутатлари Кенгашларининг қарорларини қонун ҳужжатларига, мамлакатимизда амалга оширилаётган ислоҳотларга мувофиқ тарзда ҳуқуқий экспертизадан ўтказиш ҳам адлиянинг янги ташкил этилган туман, шаҳар бўлимлари зиммасига юкланиши айрим қарор ва ҳужжатларнинг қонунийлигини таъминлаб, уларни бекор қилишга ўрин қолдирмайди, деб ўйлаймиз.

Яна бир гап. Маълумки, Навоий шаҳридаги улкан саноат корхоналари, нафақат, республикамизда балки ўнлаб хорижий давлатларда ҳам ўз ҳамкорларига эга. Бу эса улар билан қонуний асослар, ҳеч қандай хато ва камчиликларсиз меъёрий ҳужжатларни имзолашни талаб қилади. Бунинг учун юксак савия ҳамда чуқур ҳуқуқий билимга эга бўлиш зарур, албатта.

Ушбу Фармон билан янги ташкил этилган туман ва шаҳар адлия бўлимлари зиммасига ҳокимликларга ҳамда давлат органлари ва ташкилотларининг туманлар (шаҳарлар) тузилмаларига қонунлар ва бошқа норматив-ҳуқуқий ҳужжатларни қўллаш масалалари бўйича маслаҳатлар бериш вазифаси юклангани ҳар бир ҳужжатга қонуний ёндашиш имкониятларини кенгайтириши табиий.

Фармондаги энг муҳим жиҳатлардан яна бири бу инсон ҳуқуқларини ҳимоя қилиш бўйича чора-тадбирларни амалга оширишдан иборат. Шунингдек, ўз ваколатимиз доирасида жисмоний ва юридик шахсларнинг мурожаатларини кўриб чиқиш масъулияти ҳам зиммамизда эканлиги фуқароларга тўғри ҳуқуқий тушунтириш бериш, уларнинг ҳақ-ҳуқуқларини ҳимоя қилиш, муаммоларини адолатли ҳал этишга алоҳида эътибор қаратишни тақозо этади.

Ҳуқуқий сиёсат устуворлигини таъминлаш йўлидаги яна бир янги қадам ўзининг самарали натижасини бериши аниқ. Зеро, қонун устувор бўлган жойда адолат ҳукмрон бўлади, адолат бор жойда эса шикоятга асло ўрин қолмайди.

## НАМУНАЛИ ҲУҚУҚИЙ ХИЗМАТ КЎРСАТИШНИ ТАЪМИНЛАЙМИЗ

**Мўминжон УМАРОВ,**
**Тошлоқ туман адлия бўлими бошлиғи:**



— ЮҚОРИДАГИ Фармон ва Қарорга биноан мамлакатимизнинг барча туман, шаҳарлари қатори Тошлоқ туманида ҳам адлия бўлими ташкил этилди. Унда бўлим бошлиғи, бош маслаҳатчи ва етакчи маслаҳатчи фаолият юритади.

Бўлимимизга 2016 йил якунида янги қурилиб, фойдаланишга топширилган туман давлат нотариал идораси ва ФҲДЁ бўлими биносининг иккинчи қаватидан жой ажратилди.

Шуни алоҳида таъкидлаш лозимки, туман адлия бўлими юқоридаги Фармонда белгиланган 7 та йўналишдаги вазифалар нуқтаи назаридан ҳудудда қонун устуворлигини ҳамда фуқароларнинг ҳуқуқ ва эркинликларини таъминлашга хизмат қилади. Яъни, ана шу вазифалар ижроси доирасида туман ҳокимлиги, ҳуқуқни муҳофаза қилувчи ва суд органлари, давлат органлари ва ташкилотларнинг тумандаги тузилмалари билан ҳамкорликда фаолият юритамиз. Қолаверса, туман 1-сон ва 2-сон давлат нотариал идоралари нотариуслари билан бирга аҳолига намунали ҳуқуқий хизмат кўрсатишни таъминлаймиз.

Адлия вазирининг 2018 йил 25 апрелдаги буйруғига биноан бўлим бошлиғи вазифасига тайинланганимдан сўнг бўлимимиз учун ажратилган хоналарни белгиланган талаблар асосида жиҳозладик. Кейин эса дастлабки ишни Юртбошимиз Фармонига мувофиқ “республика — вилоят — туман — маҳалла” принципи бўйича ҳуқуқий тарғибот тадбирларидан бошладик. Аввалига туманимиздаги болалар мусиқа ва санъат мактабида ўтказилган учрашувда тилга олинган Фармон ва Қарорнинг мазмун-моҳияти ҳамда янги ташкил қилинган туман адлия бўлимининг вазифа ва функциялари хусусида тушунтириш берилди. Шунингдек, ёшларга келгусида ҳуқуқшунослик касбини танлаган ўқувчилар вилоятимиздаги Адлия вазирлиги тасарруфига ўтказилаётган юридик коллежда билим олишлари мумкинлиги ҳақида ҳам маълумот берилди.

Туман бандликка кўмаклашиш маркази ва туман пенсия жамғармаси ходимларига ҳам туман адлия бўлимининг вазифалари тўғрисида тушунча бериш баробарида улар билан ҳуқуқни қўллаш амалиёти, пенсия ва меҳнат қонунчилигига киритилган сўнгги ўзгартиш ҳамда қўшимчалар хусусида фикр-мулоҳазалар алмашилди. Келгусида худди шундай тарғибот тадбирларини барча маҳалла фуқаролар йиғинларида ҳам ўтказишни режалаштирганмиз.

Шу ўринда бир мулоҳаза. Айни пайтгача вилоятлар адлия бошқармаларининг ҳуқуқий тарғибот ва маърифат бўлимларида 2 нафар ходим меҳнат қилган. Бу эса барча туман, шаҳарларда аҳолининг ҳуқуқий онги ва ҳуқуқий маданиятини юксалтириш ишларини бирдек амалга ошириш имконини бермаётганди. Энди бўлса туман, шаҳар адлия бўлимлари бу вазифани ўз ҳудудларида бемалол уддалашлари мумкин.

**Ушбу саҳифа “Инсон ва қонун” газетасининг вилоятлардаги мухбирлари хабарлари асосида тайёрланди.**

9 МАЙ — ХОТИРА ВА ҚАДРЛАШ КУНИ

# Биз Зайнитдин ака билан оилавий дўст эдик



**ЮРТИМИЗНИНГ атоқли ҳуқуқшунос олимларидан бири — юридик фанлар доктори, профессор Зайнитдин Исломов ҳаёт бўлганида, шу йил 80 ёшни қаршилаган бўлар эди.**

Домла 1970 йили Тошкент Давлат университети (ҳозирги Ўзбекистон Миллий университети) юридик факультетининг "Давлат ва ҳуқуқ назарияси" кафедрасида ўқитувчи сифатида иш бошлади. Кейинчалик ушбу олий таълим муассасасида катта ўқитувчи, доцент, профессор, Тошкент давлат юридик институти (ҳозирги — Университет) проректори лавозимларида фаолият юритган.

Мен Зайнитдин Исломовни илк бор талабалигимнинг биринчи куни, яъни 1976 йил 1 сентябрда Тошкент Давлат университетида кўрганман. Ўшанда устоз камина таҳсилни бошлаган юридик факультетда декан ўринбосари лавозимида ишлаётган бўлиб, у кишини толиби илмларга деканимиз — Ўзбекистон Фанлар академияси мухбир-аъзоси Анвар Аъзамхўжаев таништирган.

Шундан сўнг домланинг иш сабоқларини ўзлаштира бошладим. Ўқиш даврида Зайнитдин домланинг талабалар ўртасида нақадар катта обрў-эътиборга эга эканига кўп бор амин бўлганман.

Хуллас, аспирантура, номзодлик ва докторлик диссертацияларимни ёқлашда ҳам Зайнитдин домла билан ҳамкорлик алоқаларимиз ошса ошдики, асло сусаймади. Тошкент давлат юридик институти ректори бўлиб ишлаганимда ҳам Зайнитдин Исломов билан бирга фаолият олиб бордик. У киши илмий ишлар бўйича проректор эди. Юртимиз юридик илм-фани ривожи йўлида биргаликда самарали ишладик. Ўша пайтда олий ўқув юртимиз домлаларидан С.Султонов, М.Маҳбубов, А.Тўлаганов, А.Азизхўжаев каби кўплаб олимлар докторлик диссертацияларини ёқлади.

Зайнитдин ака жуда яхши фан ташкилотчиси эди. Биз биргаликда кўплаб илмий-амалий анжуманлар, жумладан, 1993 йили Ўзбекистон Республикаси Конституцияси қабул қилинганининг бир йиллиги муносабати билан халқаро конференция ўтказганмиз.

Мустақиллик йилларида Зайнитдин Исломов миллий ҳуқуқшунослик мактаби анъаналарини ҳар жиҳатдан бойитиш борасида самарали илмий фаолият олиб бориб, ёшларнинг интеллектуал салоҳиятини, ҳуқуқий онги ва ҳуқуқий маданиятини юксалтириш, мамлакатимизда юриспруденция назариясини ривожлантиришга катта ҳисса қўшди.

Зайнитдин Исломов Ўзбекистоннинг давлат ва ҳуқуқ назарияси соҳасидаги энг йирик ва етакчи олимига айланди. Устоз умрининг сўнгги беш йили ичидаёқ шу мавзуда 4 та дарслик, 4 та монография, ўнга яқин рисола ва ўқув қўлланмалари, ўттиздан зиёд илмий мақолалар ёзиб, чоп эттирди.

Зайнитдин ака инсон ҳуқуқлари бўйича ҳам китоблар ёзган. Хусусан, устознинг ўзбек ва рус тилида алоҳида нашр этилган "Инсон ҳуқуқлари ва ҳозирги замон юриспруденцияси" (Тошкент, "Фан ва технологиялар", 2008) номли рисоласига масъул муҳаррир бўлганимни фахрланиб эслайман.

Домла 2012 йили "Устоз ҳақида сўз" китобини нашрдан чиқарганди. Бу, ўз навбатида, Зайнитдин ака устозларига нечоғлик ҳурмат-эҳтиром кўрсатганининг яққол ифодаси, десам хато бўлмайди. Айниқса, у киши улуғ устози академик Шавкат Ўразаевнинг иззат-эъзозини ҳамиша жойига қўяр эди.

Талабалик йилларимда Зайнитдин аканинг ёшлар ўртасида катта обрў қозонгани ҳақида айтиб ўтгандим. Домла юртимизнинг қайси ҳудудига сафар қилмасин, ҳамма жойда шогирдлари очиқ юз билан кутиб оларди. Атоқли олимнинг илмий раҳбарлигида 20 дан ортиқ шогирдлари номзодлик ва докторлик диссертацияларини ёқлагани ҳам устознинг шогирдпарвар, бағрикенг ва жонкуяр мураббий бўлганидан далолатдир.

Биз Зайнитдин ака билан оилавий дўст эдик. Менинг тоғамни домла ҳам "Тоға" деб чақирарди. Бир-биримизнинг тўй-маъракаларимизда доим қатнашганмиз. Шу аснода устознинг қанчалик оилапарвар инсон, ажойиб турмуш ўртоғи ва меҳрибон ота эканига амин бўлганман. Зайнитдин ака Клара кеннойим ва қайноналарини жуда ҳурмат қиларди.

Фарзандлари — Гулнора, Дилфуза, Лола исмли уч қизи ва ўғли Жамолиддин ҳам отасига ҳар доим ғамхўру меҳрибон бўлди. Ҳатто, Дилфузахон ота касбини танлаб, "Ўзбекистонда демократлаштиришни ривожлантиришнинг ҳуқуқий ва маънавий-ахлоқий асослари" мавзуида юридик фанлар номзоди илмий даражасини ёқлаган эди (бу қизлари яқинда оламдан ўтди, охирати обод бўлсин).

Зайнитдин ака давраларнинг гули эди. Дилкаш ва одамохун, ёруғ юзли ва бамаъни сўзли, лозим бўлганда, чиройли ҳазил-мутойибани ҳам жойига қўядиган ширинсухан, қўли ва дили очиқ улфату даврадош эди. Дўстларининг биронта катта-кичик тадбири у кишининг иштирокисиз ўтмасди.

Устоз ҳам сурати, ҳам сийрати гўзал инсон эди. Соғлиғига жиддий эътибор берар, дид билан кийинар, ўзига нисбатан ниҳоятда талабчан ва қатъий интизом билан ёндашарди.

Давлатимиз ва ҳукуматимиз профессор Зайнитдин Исломовнинг хизматларини муносиб тақдирлаган. Домла 2003 йили "Шуҳрат" медали, шунингдек, 2000 йили "Олий таълим аълочиси", 2006 йилда эса "Ўзбекистон Республикаси мустақиллигига 15 йил" эсдалик нишони билан мукофотланди.

Устоз бугун орамизда йўқ. Аммо Зайнитдин ака ҳақидаги яхши хотиралар барҳаёт. У киши ҳамиша яқинлари, дўстлари, шогирдларининг ёдида. Яна бир муҳим воқелик шуки, домланинг илмий-ижодий мероси — дарслик ва қўлланмалари, китоб ва рисолалари ўз аҳамиятини йўқотмаган. Яхшидан боғ қолади. Яхши инсон ва яхши олимдан мақбул фарзандлар, оқибатли шогирдлар, манзур асарлар муносиб ёдгордир.

Зайнитдин Исломовнинг хотирасига бағишланган ёднома нашрга тайёрланаётганини эшитиб қувондим. Фурсатдан фойдаланиб, ушбу тўпламни чиқаришдек эзгу ишга бош-қош бўлган сахий ва серҳиммат инсонларга ўз миннатдорчилигимни изҳор этаман. Зеро, саховат ва ҳиммат — бу икки шарафли сифат покиза кишиларга хосдир. Улуғ шоир ва мутафаккир Алишер Навоий ҳазратлари "Маҳбуб ул-қулуб" асарида уқтирганидек, "сахийлик — инсоннинг баданидир, ҳимматлилик — унинг жони. Ҳимматсиз киши эр сонида эмас, чунки жонсиз баданни киши тирик демас".

**Акмал САИДОВ,**
**академик**

# Бу кунларга ҳар қанча шукрона айтсак арзийди,

## — дейди 95 ёшли Яҳё бобо



ДАВЛАТИМИЗ раҳбарининг 2018 йил 16 апрелдаги "Иккинчи жаҳон уруши қатнашчиларини рағбатлантириш тўғрисида"ги Фармони имзоланди.

Кексаларга ҳурмат кўрсатиш, ёши улуғларни эъзозлаш халқимизга хос фазилат. Фармоннинг ҳар бир бандида мана шундай ардоқ ва эъзоз намунасини кўриш мумкин.

Хусусан, 9 май — Хотира ва Қадрлаш куни ўтказилиши ҳамда фашизм устидан қозонилган ғалабанинг 73 йиллиги нишонланиши муносабати билан уруш қатнашчилари ва ногиронларини моддий рағбатлантириш мақсадида уларга 5 миллион сўм миқдорида бир марталик пул мукофоти белгиланди. Ўтган йили уруш қатнашчилари ва ногиронларига байрам муносабати билан 2 миллион сўмдан пул ажратилган эди.

Шунингдек, Иккинчи жаҳон уруши қатнашчилари истаклари асосида ўзлари жанг қилган мамлакатларга бир нафар кузатувчи билан сафари ташкил этилади ҳамда ушбу сафар билан боғлиқ барча харажатлар қопланади.

Бундан ташқари, улар Ялта ва Кисловодск шаҳарларидаги "Ўзбекистон" ҳамда республика ҳудудидаги бошқа санаторийларга ҳам бир нафар кузатувчиси билан бирга бепул юборилади.

— Фармонни телевизор орқали кўриб, эшитиб, кўзимга ёш келди. Ўша даврларни эсладим. Бугунги кунга шукрона келтирдим. Халқимиз, давлатимиз раҳбарининг рағбатидан руҳланиб кетдим. Ёшимга ёш қўшилди. Бизни эъзозлаганни Оллоҳ азиз қилсин, — дейди сирдарёлик Иккинчи жаҳон уруши қатнашчиси Яҳё бобо.

— 1941 йилнинг айни қиш чилласида Мирзачўл станциясидан (ҳозирги Гулистон шаҳри) фронтга жўнаб кетдик, — дея уруш ҳикоясини бошлади отахон. — Перронда фронтга отланган йигитларнинг ота-оналари йиғлаб-сиқтаб кузатиб қолишди. 1942 йилнинг май ойида Сталинград шаҳрини душмандан ҳимоя қилиш учун жангга кирдик. Генерал Чуйков қўмондонлик қилган 6-армиянинг 199-қизил байроқли ўқчи дивизиясида пулемётчи бўлиб хизмат қилдим. Иккинчи жаҳон урушида Совет қўшинларининг ғалабани ўзларига оғдиришларида Сталинград жанги ҳал қилувчи аҳамият касб этганлиги рост. 1942 йилнинг ноябрь ойида Сталинград учун қақшатқич жанглар бўлди, ер у осмон оловга бурканди. Трактор заводи учун бўлган жангларда душман самолётлари ёғдирган бомба шундоқ ёнимга тушиб портлади. Чап оёғимни снаряд парчалари бамисоли пичоқ кесгандек ёндириб ўтди. Қарасам ротадошларимнинг кўпчилиги тутдай тўкилган. Икки кун жанг майдонида қолиб кетдим. Жасадим шу жойларда қолар экан-да, дея ноумидликка ҳам тушдим. Яхшиям дўстларим оёғимнинг болдирини маҳкам қисиб боғлашган экан, кўп қон йўқотмабман. Учинчи куни санитарка қизлар мени икки километрга судраб бориб, биринчи тиббий ёрдам кўрсатишди. Сўнгра оёғимга шина боғлаб, Волга дарёси бўйлаб пороходда Саратов госпиталига олиб келишди. Бу ерда оёғимни кесиб ташлашди. Бироз ўзимга келгач, Қозоғистоннинг Семипалатинск госпиталига ўтказишди. Бу ерда олти ой даволаниб, қўлтиқтаёқда юра бошладим. Махсус кузатувчилар ёрдамида Мирзачўл станциясига келиб тушдим. Қўқон аравада уйга кириб бордим. Ўша пайтда икки колхоздан урушдан қайтган илк аскар мен бўлган эканман. Ҳамма мени кўргани ёпирилиб кела бошлади. Айниқса, кекса онахонлар, менинг ўғлимни кўрдингми, соғ-саломатмикан, қачон фронтдан қайтади, деган сўроқлари жон-жонимдан ўтиб кетарди.

Бироз ўзимга келгач, колхозда котиб бўлиб иш бошладим. Сўнгра мактабда бир йил болаларга дарс бердим. Болаларнинг оч ва юпунлигини кўриб асабларим дош бермади. Ўқитувчиликни ташладим. Бухгалтерия курсида ўқидим. Шундан сўнг бухгалтерлик асосий касбимга айланди. Колхозда 39 йил бухгалтер бўлиб ишладим. Оила қуриб, олти ўғил, олти қизга ота бўлдим. Айни пайтда 45 нафар набира, 110 нафар чевара, 14 нафар эваранинг бобосиман.

Яҳё бобо Шарипов Иккинчи жаҳон уруши қатнашчиларига кўрсатилаётган иззат-икромдан боши осмонда.

— Бундай замонларга ҳар қанча шукроналар айтсак арзийди, — дейди Яҳё бобо. — Юртимиз тинч, халқимиз фаровон, Президентимиз омон бўлсин. Бизлар Оллоҳ берган умрни доруломон яшаб халқимизни дуогўйи бўлиб юраверайлик.

**Шуҳрат СУЯРОВ,**
**"Инсон ва қонун" мухбири**

АСР МУАММОСИ

КОРРУПЦИЯ бугунги кунда деярли дунёнинг барча давлатларини безовта қилаётган ҳуқуқбузарлик тури ҳисобланади. Шу боис коррупция умуминсоний иллат деб эътироф этилган.

# КОРРУПЦИЯ




Давлатимизда коррупцияга қарши курашда муҳим бўлган икки ҳужжат — 2017 йил 3 январда Ўзбекистон Республикасининг "Коррупцияга қарши курашиш тўғрисида"ги Қонуни ва жорий йилнинг 2 февралида "Коррупцияга қарши курашиш тўғрисида"ги Ўзбекистон Республикаси Қонунининг қоидаларини амалга ошириш чора-тадбирлари тўғрисида"ги Қарор қабул қилинди. Қонун нормаларини ҳаётга татбиқ этиш мақсадида юқорида кўрсатилган Президент қарори билан 2017-2018 йилларга мўлжалланган коррупцияга қарши курашиш бўйича давлат дастури, Коррупцияга қарши курашиш бўйича республика идоралараро комиссияси таркиби тасдиқланди.

Коррупцияга қарши курашиш бўйича республика идоралараро комиссияси Ўзбекистон Республикаси Бош прокурори раҳбарлик қиладиган таркибда шакллантирилган. Комиссия таркибига парламент аъзолари, бир қатор вазирлик ва идораларнинг раҳбарлари, олимлар билан бирга фуқаролик жамиятининг аъзолари киритилганлиги комиссия фаолиятининг самардорлигига, давлат ташкилотларида учрайдиган коррупциявий ҳолатларни учинчи сектор вакиллари билан ҳамкорликда аниқлаш ва бартараф қилишга замин яратади.

Порахўрлик мамлакатда ислоҳотларнинг амалга оширилиши, катта мақсадлар йўлидаги жиддий тўсиқ бўлиб қолмоқда. Ҳозирги пайтда жаҳондаги деярли барча илғор давлатлар миллий даражада коррупцияга қарши кенг кўламли чораларни қўллаш билан бирга халқаро миқёсда унинг олдини олишга қаратилган дастурлар амалга оширилишида фаол иштирок этиб келмоқда.

Қайси бир соҳани олмайлик ўша соҳада ривожланиш, тараққиёт рўй бермаётган экан, унинг сабабларидан бири коррупцияга бориб тақалади.

Жиноий-ҳуқуқий маънода коррупцияга қарши курашиш, энг аввало, унинг бир кўриниши бўлган порахўрлик жиноятларини очиш, тергов қилиш ва унинг олдини олишдан иборат. Порахўрлик анча кенг оммалашган, лекин очиш ва тергов қилиш мураккаб бўлган жиноят тури ҳисобланади. Порахўрликда жиноят субъектларининг одатий алоқа схемаси қуйидагича: пора берувчи — пора олувчи, баъзан эса, пора берувчи — воситачи — пора олувчидан иборат. Ушбу жиноятни ниқоблашнинг турли усуллари бор: "совға қилиш", "қарз бериш", корхонанинг штатига ишчи, ходим сифатида қабул қилиш ва маош тўлаш ёки моддий рағбатлантириш ва ҳ.к. Унинг мураккаблиги шундаки, биринчидан, барча иштирокчилар — пора олувчи ва пора берувчи ўзининг жиноят ҳаракати изларини синчиклаб яширишдан манфаатдор, чунки жиноят фош этилса, пора олиш ва пора бериш учун жиноий жавобгарлик муқаррар. Шунинг учун мазкур тоифадаги жиноятлар аксарият ҳолларда гувоҳларсиз ва жиноят излари ниқобланган ҳолда содир этилади.

**Иккинчидан,** кўп ҳолларда пора қонуний ҳаракатларни содир этишни тезлаштириш учун берилади ёки ташқаридан унга қонуний ҳаракат туси берилади. Гувоҳлар бўлмаганда, бу шароит ҳам порахўрлик жиноятини очиш жараёнини мушкуллаштиради.

**Учинчидан,** бу тоифадаги ишларда, асосан, эгри далиллар устунлик қилади, уларнинг эса тадқиқ этилаётган ҳодиса ва воқеалар билан турли алоқалари кўп босқичли исботлаш жараёнини талаб этади.

Баъзи ҳолларда вазиятга қараб жиноятга алоқадор шахсларнинг бармоқ излари пора предметида, ўрамда қолади, баъзан эса порахўрликнинг бошқа излари ҳам сақланиб қолади (товар чеклари, этикеткалар, пул, қимматбаҳо буюмлар, жиноятчиларнинг шахсий ёзувлари ва бошқалар). Ушбу криминалистик излар жиноятни очишни тезлаштирувчи омиллардир.

Мазкур жиноятларни очиш, тергов қилишда коррупция ва порахўрлик субъектларининг жиноий ахлоқий хусусиятлари ҳақидаги криминалистик аҳамиятга эга бўлган маълумотларни топиш ва улардан ўринли фойдаланиш катта аҳамиятга эга.

Замонавий криминалистика фанида коррупцияга қарши курашнинг кўплаб восита ва усуллари мавжуд бўлиб, улардан бугунги кунда самарали фойдаланилмоқда. Мазкур метод ва воситалар қаторига криминалистик тезкор фотография, криминалистик аудио ва видеоёзувлар, криминалистик операциялар доирасида тезкор қидирув ва тергов ҳаракатларини биргаликда олиб бориш, тўсатдан бостириб кириш фактори ва бошқаларни киритиш мумкин.

Коррупция билан боғлиқ жиноятларнинг содир этилиш шарт-шароитлари ҳамда келиб чиқиш сабабларини ўрганиш бу турдаги жиноятларнинг асосий сабабларидан бири ҳуқуқий онг ва ҳуқуқий маданиятнинг етарли даражада ривожланмаганлиги, ҳуқуқий таълимнинг заифлиги билан боғлиқлигини кўрсатмоқда.

Мазкур иллатга қарши курашда мамлакатимиз аҳолисининг ҳуқуқий саводхонлигини ошириш мақсадида қуйидаги вазифаларга асосий эътибор қаратиш лозим, деб ўйлаймиз:

аҳолининг давлат ҳокимияти ва бошқарув органлари томонидан қабул қилинган қонунлар ва қонуности ҳужжатларидан оммавий ахборот воситалари, Yurida, norma.uz, lex.uz каби электрон қонун ҳужжатлари базаси орқали кенг хабардор бўлиб боришини тизимли равишда йўлга қўйиш, уларни кенг халқ оммаси орасида тарғиб этишни ташкил этиш орқали мансабдор шахслар фаолияти устидан жамоатчилик назорати институти фаолиятини мустаҳкамлаш;

давлатимизда қабул қилинаётган қонунлар, фармонлар, қарорларнинг мазмун-моҳиятини аҳолининг барча қатламига ҳуқуқшунослар, соҳанинг етакчи мутахассислари, олимлар, ҳуқуқшуносликка ихтисослашган ўқув юртлари, ҳуқуқни муҳофаза қилувчи органлар, судлар орқали шарҳлаб бериш амалиётини жорий этиш;

корхона, муассаса, ташкилотлар раҳбар ва ишчи ходимларининг коррупцияга қарши кураш борасидаги ҳуқуқий саводхонлигини оширишда ўтказиладиган маърифат соатларида ҳуқуқий мавзулардаги масалаларни кўпроқ тарғиб қилиш коррупцияга қарши курашишга самарали хизмат қилади, деб ўйлаймиз.

Хулоса қилиб айтганда, коррупция яширин, фош этиш мушкул бўлган жиноят бўлганлиги боис, уни очиш, жиноятчиларни фош қилишда, аввало, давлат ва жамият манфаатлари бирлашиши, шунингдек, процессуал ҳаракатларда криминалистик билим, усул ва воситалардан кенг фойдаланиш самара беради, деб ҳисоблаймиз.

**Гулчеҳра ТЎЛАГАНОВА,**
**профессор**
**Мачанбой МАТЧАНОВ,**
**жиноят ишлари бўйича**
**Миробод туман суди судьяси**

ЖАРАЁН

ПРЕЗИДЕНТИМИЗНИНГ 2017 йил 14 мартда ***"Ўрта махсус, касб-ҳунар таълими муассасалари фаолиятини янада такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида"***ги Қарори қабул қилинди.

# ТАЪЛИМГА ЭЪТИБОР:

## порлоқ келажакка қўйилган пойдевордир

Қарорга мувофиқ, моддий-техник ва ўқув-методик базаси замонавий талабларга жавоб бермайдиган 4 та академик лицей фаолияти тугатилади ҳамда олий таълим муассасасидан узоқда жойлашган, таълим сифати ва битирувчиларининг институт ва университетларга ўқишга кириш кўрсаткичлари паст бўлган 54 та академик лицей босқичма-босқич касб-ҳунар коллежига айлантирилади.

Касб-ҳунар коллежига айлантирилаётган академик лицейларнинг 2- ва 3-босқич ўқувчилари ўқишни тугатгач, яқин ҳудудда жойлашган, таълим йўналиши ўхшаш бўлган академик лицейларда якуний давлат аттестациясини топширади ва давлат намунасидаги академик лицей битирувчиси дипломини олади.

Олий таълим муассасаларининг юқори малакали профессор-ўқитувчиларини академик лицейларда дарс беришга кенгроқ жалб қилиш мақсадида академик лицейлардаги ўқитувчилик фаолиятига соатбай ҳақ тўлаш миқдори олий таълим муассасаларида меҳнатга соатбай ҳақ тўлаш миқдорига тенглаштирилиши қувонарли хол бўлди, албатта.

Шунингдек, академик лицейларда таълим сифатини ошириш, таълим жараёнига илғор педагогик усуллар, ахборот-коммуникация технологияларини кенг татбиқ қилиш мақсадида ўқув гуруҳлари таркиби 26 нафар ўқувчидан ортиқ бўлмаган тарзда шакллантирилади.

Яна бир муҳим янгилик, академик лицейлар директорлиги учун номзодлар академик лицейлар бириктирилган олий таълим муассасаси ректори томонидан тавсия этилади.

2017/2018 ўқув йилидан бошлаб академик лицей ўқувчиларини дарсликлар билан таъминлаш Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги ҳузуридаги Бюджетдан ташқари республика мақсадли китоб жамғармасининг маблағлари ҳисобидан ижара тизими асосида амалга оширилади. Кам таъминланган оила фарзандлари бюджет маблағи ҳисобидан бепул таъминланади.

Шу билан бирга академик лицей битирувчиларига аниқ мутахассисликлар бўйича таълим жараёни якунига етгач, уларга сертификат берилади.

**Юлдуз ЖУМАНОВА,**
**Тошкент давлат юридик университети ҳузуридаги академик лицей ўқитувчиси**

# СЎРАГАН ЭДИНГИЗ

***— ГИЁҲВАНДЛИК экинлари етиштирувчилари учун қандай жазо қўлланилади?***

**А.ШОКИРОВ**

— Тақиқланган экинларни, яъни кўкнор ёки мойли кўкнор, каннабис ўсимлиги ёхуд таркибида гиёвандлик воситалари ёки психотроп моддалар бўлган экинларни қонунга хилоф равишда экиш ёки етиштириш — энг кам ойлик иш ҳақининг йигирма беш бараваридан эллик бараваригача миқдорда жарима ёки уч юз олтмиш соатгача мажбурий жамоат ишлари ёки уч йилгача ахлоқ тузатиш ишлари ёхуд бир йилдан уч йилгача озодликни чеклаш ёки уч йилгача озодликдан маҳрум қилиш билан жазоланади.

***Ўша ҳаракат:***

а) илгари гиёвандлик воситалари ёки психотроп моддалар билан қонунга хилоф равишда муомала қилишдан иборат жиноятни содир этган шахс томонидан;

б) бир гуруҳ шахслар томонидан олдиндан тил бириктириб;

в) ўртача катталикдаги экин майдонида содир этилган бўлса энг кам ойлик иш ҳақининг эллик бараваридан юз бараваригача миқдорда жарима ёки уч йилдан беш йилгача озодликни чеклаш ёхуд уч йилдан беш йилгача озодликдан маҳрум қилиш билан жазоланади.

Жиноят кодексининг 270-275-моддаларини ўз ичига олган XIX боби "Гиёҳвандлик воситалари ёки психотроп моддалари билан қонунга хилоф равишда муомала қилишдан иборат жиноятлар" деб, номланиб, бунинг учун қатъий жазо чоралари белгиланган.

**Саволга Олий суд катта консультанти**
**Дилноза ЖУМОНОВА жавоб берди.**

ТАРИХ ВА БУГУН

# ТОШКЕНТ ТУРИЗМ маркази бўлиши мумкин



*ТАРИХИЙ манбалардан маълумки, “Тошкент” атамаси илк бор Берунийнинг 1030 йилда ёзилган “Ҳиндистон” асарида келтирилади. Машҳур олим ушбу асарида шундай ёзади: “Кўрмайсанми, “Тош” сўзи асли туркча исм бўлиб, “Шош” кўринишини олган, яъни туркча “Тошканд” сўзидан”. Худди шунингдек, “Жуғрофия” китобида Тошкент “Бурж ал-ҳижора” (“Тош қалъа”), деб аталган.*

Эндиликда ҳақли равишда “Шарқ дарвозаси”, “Ислом маданияти пойтахти” номига мушарраф бўлган, Тошкент, нафақат Марказий Осиё, балки жаҳондаги қадимий шаҳарлардан бири бўлиб, дунё цивилизацияси ривожига ўзининг муносиб ҳиссасини қўшган. Маълумки, пойтахтимиз 2200 йилдан ортиқ тарихга эга. Шаҳар муҳим савдо карвонлари кесишган, Буюк ипак йўли тармоғида жойлашган. Бу эса, ўз навбатида, шаҳар маданий ҳаёти ва ривожига ижобий таъсир кўрсатади. XIX асрга келиб шаҳарда 12 та дарвоза мавжуд бўлиб, XIX аср ўрталарига қадар шаҳар асосини Кўкча, Себзор, Бешёғоч ва Шайхонтоҳур даҳалари ташкил этган. Тошкентда мавжуд бўлган Абулқосим, Кўкалдош, Бароқхон, Бекларбеги, Эшонгузар мадрасалари илм марказлари сифатида маълум ва машҳур бўлган. Хастимом мажмуаси 2007 йили қайта қурилиб, ўзининг янги, муҳташам кўринишига эга бўлди. Янги қурилган Ҳазрати Имом жоме-масжиди ноёб архитектура ёдгорлиги қаторидан жой олди. Бу ишлар ҳозирда янада жадал суръатларда ривожланиб бормоқда.

XX аср бошида Тошкент меъморий ёдгорликлари ичида Шайхонтоҳур зиёратгоҳи алоҳида ўрин тутган. Шайхонтоҳур шаҳарнинг энг гавжум ва файзли жойларидан бири бўлиб, унда бир неча меъморий обидалар, шифобахш булоқли Лангар ҳовузи, савдо расталари бор эди. Зиёратгоҳ Ҳайит ва Наврўз байрамларида халқ сайли бўладиган масканга айланарди. Кейинчалик ушбу зиёратгоҳ 1924 йилда ёпиб қўйилди. XX асрнинг 20-30 йилларида шаҳардаги масжид, мадраса, черков, ибодатхона, синагог ва бошқа диний иншоотлар ёпилиб, улар ўрнига бошқа иморатлар бунёд этилган.

Мустақиллик даврида Тошкент қадимийлик ҳамда замонавийлик уйғунлашган, жаҳондаги илғор шаҳарсозлик анъаналарига мос равишда ривожланаётган шаҳар даражасига эришди. Шу нуқтаи назардан пойтахтимизнинг туризм соҳасидаги алоҳида ўрнини белгилаш давр талабига ҳамоҳанг бўлган ташаббусларни тақозо қилади. Соҳа истиқболида яна бир муҳим жиҳат — бу ҳудудлардаги барча маданий-тарихий мерос объектларининг ягона маълумотлар базасини яратиш, минтақада туризмни ривожлантириш учун жойлардаги маҳаллий ҳокимият органлари ва жамоатчилик кучларини бирлаштиришдан иборат.

Маълумки, ҳозирги замон сайёҳлик соҳасининг асосий турлари учун, яъни рекреацион (дам олиш), маърифий, илмий, амалий саёҳлик учун Тошкент шаҳри ва Тошкент вилоятида шарт-шароитлар мавжуд ва эндиликда уларни янада тараққий эттириш йўлида улкан саъй-ҳаракатлар амалга оширилмоқда. Тошкент Ватанимизнинг маънавий-маданий ёдгорликлари жойлашган марказлардан бири бўлиши билан бир қаторда, халқимизнинг буюк зиёлилари яшаган ва ижод қилган масканлардан ҳисобланади. Бу ерда биргина музейларнинг сони 30 дан ортиқ бўлиб, улар орасида Ўзбекистон давлат санъат музейи, Ўзбекистон тарихи давлат музейи, Алишер Навоий номидаги давлат адабиёт музейи, Ўзбекистон давлат табиат музейи, Темурийлар тарихи давлат музейи, Ўзбекистон амалий санъат ва ҳунармандчилик тарихи давлат музейи, Қатағон қурбонлари хотираси давлат музейи, Олимпия шоншуҳрат музейи, Камолиддин Беҳзод мемориал боғ-музейи, М.Ашрафий, Ойбек, Ғафур Ғулом, Ў.Тансиқбоев, Абдулла Қаҳҳор, Юнус Ражабий, Сергей Бородин уй-музейлари ва С.Есенин музейлари, Тамарахоним либослари доимий кўргазмалари диққатга сазовор жойлардир. Ушбу музейларни тарғиб қилиш учун турли дидли, қизиқишдаги хорижий ҳамда ўзбекистонлик сайёҳларнинг танишув маршрутларини акс эттирувчи харита, қўлланма, махсус туристик веб-сайтларда улар ҳақидаги маълумотларнинг акс эттирилиши ҳам амалий аҳамиятга эга бўлади. Шаҳримиз кўчаларида номлари акс этган инсонлар ҳақида маълумотлар (ўзбек ва хорижий тилларда) иморатлар пештоқида келтирилса, уларнинг юксак маънавий-маърифий аҳамияти ортар эди.

Яқин истиқболда юртимизнинг жаҳон цивилизациясига қўшган улкан улушини акс эттирувчи ихтисослашган музейлар, кўргазмаларни ташкил этиш сайёҳларнинг диққатини тортишга салмоқли таъсир кўрсатади. Хусусан, пойтахтимизда маданият соҳасидаги “Ўзбек театри ва томоша санъати музейи”, “Ўзбек мақоми ва қўшиқчилик санъати”, “Ўзбекистон меъморчилик санъати”, гастрономик туризмга ихтисослашган “Ўзбек палови”, миллий ўйинлар туризмига ихтисослашган “Ўзбек миллий ўйинлари” (Ўзбек кураши) кабиларни, музейларни ташкил этиш ҳам унинг ранг-баранглигига хизмат қилар эди.

Туризмнинг миллий иқтисодиётимизнинг муҳим тармоқларидан бирига айланиши, маданий-тарихий меросимиз ва табиий бойликларимизни кенг тарғиб қилиш, шунингдек, ички туризмни жадал ривожлантириш, фуқароларни, айниқса, ёшларни қадимий обидаларимиз, муқаддас қадамжоларимиз, халқимизнинг бетакрор маданияти ва анъаналари билан кенг таништиришда беқиёс ўрин тутиши, шубҳасиздир.

**Омонулла МУҲАММАДЖОНОВ,**
**юридик фанлар доктори**

ТАЛАБА ТАКЛИФИ

O'ZBEKISTON SAVDO-SANOAT PALATASI

## Палатага аъзо бўлмаган тадбиркор ҲУҚУҚИЙ ҲИМОЯДАН МУСТАСНОМИ?

ҲАҚ эвазига хизмат кўрсатиш шартномасининг ўзига хос хусусиятлари шуки, хизмат кўрсатишнинг хусусиятига қараб, алоқа хизмати, тиббий хизмат, ветеринария хизмати, аудиторлик хизмати, ҳуқуқий хизмат, маслаҳат хизмати ва шунга ўхшаш бошқа хизмат турларини ижрочининг шахсан ўзи томонидан бажарилиши билан эътироф этилади.

Хусусан, ушбу хизматнинг ҳуқуқий хизмат тури оммалашиб бормоқда.

2018 йил “Фаол тадбиркорлик, инновацион ғоялар ва технологияларни қўллаб-қувватлаш” йили бўлганлиги учун ушбу ҳуқуқий хизмат кўпроқ тадбиркорлик субъектларига нисбатан татбиқ қилинмоқда.

Лекин шуни ҳам унутмаслигимиз керакки, ҳуқуқий хизматнинг бу йўналишидаги айрим муаммоларни ҳам келтириб ўтиш жоиз. Тадбиркорлик субъектлари фаолиятига бевосита таянч ҳисобланган Ўзбекистон Республикаси Савдо-саноат палатаси ҳақида мавзуимизга доир қисқача таҳлилни келтириб ўтсак. Палатанинг расмий www.chamber.uz сайтида палатани ташкил этишнинг асосий мақсади ва вазифалари қаторида тадбиркорлик субъектларининг ҳуқуқ-манфаатларини ҳимоя қилиш ва уларга ҳуқуқий ёрдам кўрсатиш келтириб ўтилган. Лекин тадбиркорлик субъектлари палатага аъзо бўлишлари ва аъзолик бадалларини ихтиёрий тартибда тўлаб боришлари шарт, деб белгиланган. Шу ўринда савол туғилади: палатага аъзо бўлмаган тадбиркорлик субъектлари ушбу қоидадан мустасноми? Афсуски, шундай ҳолат содир бўлмоқда. Шунинг учун ушбу фаолиятни олиб борувчи ва асосий орган ҳисобланган Савдо-саноат палатасининг фаолияти ва унинг жамиятдаги ўрнини ошириш мақсадида қуйидаги тавсиявий характерга эга бўлган тадбирларни амалга ошириш керак деб ҳисоблаймиз.

**Биринчидан,** палатанинг бугунги кунда “камнамо” эканлигини ҳисобга олган ҳолда унинг реклама фаолиятини йўлга қўйиш керак;

**иккинчидан,** палатанинг тадбиркорлик субъектларини қўллаб-қувватлаш функцияси ҳисобланган қарздорликни бартараф қилиш билан боғлиқ кафиллик функциясини шакллантириш керак, бунда палата қарздор субъектлар олдидаги кафиллиги эвазига кўпгина ишбилармонларнинг касод бўлиши ва жамиятда тадбиркорлик субъектларининг камайиб кетишининг олди олинар эди;

**учинчидан,** тадбиркорлик субъектлари томонидан четга экспорт қилинадиган товарлар ва уларнинг нархлари, шунингдек, унга кўрсатиладиган хизматлар ҳақидаги экспорт каталогини яратиш керак.

Палата ҳақ эвазига хизмат кўрсатиш шартномаси тузган тадбиркорга палата томонидан кўрсатилаётган ёрдамлардан баҳраманд этса, тадбиркорларнинг, биринчи навбатда, ташкилотга бўлган ишончини орттирган бўлар эди.

**Бобурмирзо МУҲАММАДИЕВ,**
**Тошкент давлат юридик университети 4-босқич талабаси**

## АДЛИЯ АРАЛАШГАЧ...

### 7,4 МИЛЛИОН СЎМЛИК МУКОФОТ ПУЛИ бош юрисконсультга ажратиб берилди

ПРЕЗИДЕНТИМИЗНИНГ 2017 йил 19 январдаги “Юридик хизмат фаолиятини тубдан такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги Қарори мамлакатимизда қонун устуворлигини таъминлашда муҳим аҳамият касб этиб келмоқда.

Мазкур Қарорнинг 3-бандига мувофиқ, юридик хизмат ходимлари ҳар чоракда судгача ва суд тартибида давлат органи ва ташкилоти фойдасига ҳал қилинган низолар юзасидан ундирилган сумманинг 5 фоизи, бироқ энг кам ойлик иш ҳақининг 50 баробаридан кўп бўлмаган миқдорда мукофотланади, дея белгиланган. Аммо Фарғона вилоят синов ва сертификатлаш маркази мутасаддилари ушбу талабдан “бехабар” чоғи. Гап шундаки, марказ бош юрисконсульти Шерзод Миродиловнинг саъй-ҳаракатлари билан 2018 йилнинг дастлабки чораги мобайнида марказ фойдасига 311.913.100 сўм миқдоридаги дебитор қарздорлик ундирилган бўлса-да, унга белгиланган мукофот пулини ўз вақтида тўлашмаган. Вилоят адлия бошқармаси аралашуви билан марказ томонидан Ш.Миродиловга 7.495.655 сўм мукофот пули ажратилиши таъминланди.

Давлатимиз раҳбарининг 2018 йил 13 апрелдаги “Давлат ҳуқуқий сиёсатини амалга оширишда адлия органлари ва муассасалари фаолиятини тубдан такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги Фармонида Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги тизимининг Ўзбекистон Республикаси Давлат бюджетидан молиялаштириладиган касб-ҳунар коллежлари юридик хизматларининг штат бирликлари ҳисобидан, “республика — вилоят — туман(шаҳар)” уч поғонали принципи бўйича вертикал бошқарувни жорий этган ҳолда туманлар (шаҳарлар)да адлия бўлимлари ташкил этилиши белгиланди. Шу боис вилоят адлия бошқармасининг амалий ёрдами билан Қува Агросаноат коллежи ҳуқуқшуноси Имомали Эрбўтаев туман мактабгача таълим бўлимига юрисконсульт лавозимига ўтказилди.

**Фарҳод НУГМАНОВ,**
**Фарғона вилоят адлия бошқармаси масъул ходими**

ГАЗЕТАГА ЖАВОБ

## НАЗОРАТГА ОЛИНДИ



“ИНСОН ва қонун” газетасининг 2018 йил 6 мартдаги сонида чоп этилган “Шу даражада бепарвомизми?” сарлавҳали мақолада Зангиота ва Сирғали туманлари ҳудудларидан оқиб ўтувчи “Жўн” канали атрофида жойлашган корхоналар томонидан канал сувига нисбатан лоқайдлик билан муносабатда бўлаётганлиги ёритилган. Мазкур масала Тошкент вилоят ва Тошкент шаҳар Экология ва атроф-муҳитни муҳофаза қилиш бошқармалари мутахассислари, мурожаат вакиллари билан биргаликда жойида ўрганиб чиқилди.

Ўрганиш давомида, “Жўн” каналининг Зангиота туманидан оқиб ўтувчи қисмида “KAMRON” хусусий корхонаси томонидан “Табиатни муҳофаза қилиш тўғрисида”ги Ўзбекистон Республикаси Қонунининг 19-моддаси (Сувлар ва сув ҳавзаларидан фойдаланиш шартлари), “Экологик экспертиза тўғрисида”ги Қонуннинг 13-моддаси (Давлат экологик экспертизасини ўтказишнинг мажбурийлиги) талаблари бузилган ҳолда, оқова сувлар каналга оқизилаётганлиги аниқланди.

Ушбу ҳолат юзасидан “KAMRON” хусусий корхонасига Тошкент вилоят Экология ва атроф-муҳитни муҳофаза қилиш бошқармаси томонидан 2018 йил 18 апрелда огоҳлантириш хати юборилди.

Ҳозирги кунда, Тошкент вилоят ва Тошкент шаҳар Экология ва атроф-муҳитни муҳофаза қилиш бошқармалари томонидан “Жўн” каналининг Зангиота ва Сирғали туманлари ҳудудларидан оқиб ўтувчи қисмлари назоратга олинган ва каналга оқова сувлар оқизилиши ҳамда чиқиндилар ташланмаслигининг олдини олиш мақсадида корхона, ташкилот ва аҳоли ўртасида тушунтириш ишлари олиб борилмоқда.

**А.АДҲАМЖАНОВ,**
**Ўзбекистон Республикаси Экология ва атроф-муҳитни муҳофаза қилиш давлат қўмитаси раиси биринчи ўринбосари**

МИННАТДОРЧИЛИК



## “Таҳририятингиз қизимнинг соғайишига сабабчи бўлди”

— ҚИЗИМ Сожида Пардаева узоқ йиллардан буён туғма юрак нуқсони касаллигидан азият чекарди. Шу боис бир неча бор вилоят кардиология марказида даволанди. Муолажаларга қарамай, қизимнинг ҳаётини фақатгина жарроҳлик йўли билан сақлаб қолиш мумкинлигини айтишди. Ушбу операция эса мураккаб бўлганлиги, ҳозирда вилоят кардилогия марказида бу операцияни ўтказиш учун шарт-шароит йўқлиги боис, уни Тошкентга, Республика кардиология марказига олиб бориш зарур эди. Операция учун эса 35-40 миллион сўм кетар экан.

Уч нафар фарзандимиз бор. Оиламизни базўр тебратиб келаяпмиз, бунча пулни қаердан топардик? Бунинг устига қизим С.Пардаевага ногиронлик пенсияси ҳам тайинланмаган эди. Бу борада бир неча бор ТМЭКга мурожаат қилдик. Натижа бўлмаётганди.

Лекин дунёда меҳрибон инсонлар кўп экан. Таҳририятингизга йўллаган мурожаатимдан сўнг фарзандим С.Пардаевага Жарқўрғон туман бюджетдан ташқари Пенсия жамғармаси томонидан 2-гуруҳ болаликдан ногиронлик пенсияси тайинланди.

Қувонарлиси, АТ “Халқ банки” қизимни ҳаётга қайтарди, яъни банк томонидан кредит ва бошқа маблағлар ажратилиб, Тошкент шаҳрида жарроҳлик амалиёти амалга оширилди. Ҳозирда амбулатор шароитида даволанмоқда.

Менинг фарзандимни ҳаётга қайтарган барча раҳмдил инсонларга оиламиз номидан миннатдорчилик билдираман. Фарзандлар камолини кўриб юриш барча юртдошларимизга насиб этсин.

**Феруза АШУРОВА,**
**Жарқўрғон туман, Истиқлол маҳалласи**

ЭЪЛОНЛАР

Яшнобод туман Давлат хизматлари маркази томонидан 2018 йил 16 апрелда 600684-сонли реестр рақами билан давлат рўйхатига олинган “NILUFAR BEST FOOD” ХК (СТИР: 305 488 060) тугатилади.

Асос ўз-ўзини тугатиш тўғрисидаги 27.04.2018 йилдаги 1-сон баённомаси.

Кредиторлар ва дебиторлар даъволари 2 ой муддатда (94) 654-99-14 телефон рақами орқали қабул қилинади.

***

Яшнобод туман Тадбиркорлик субъектларига давлат хизматларини кўрсатиш “Ягона дарча” маркази томонидан 2017 йил 21 майда 519370-сонли реестр рақами билан давлат рўйхатига олинган “QUIAL INDUSTRY BIZNES” МЧЖ (СТИР: 304 901 932) тугатилади.

Асос ўз-ўзини тугатиш тўғрисидаги 30.04.2018 йилдаги 1-сон қарори.

Кредиторлар ва дебиторлар даъволари 2 ой муддатда (94) 423-52-20 телефон рақами орқали қабул қилинади.

***

Тошкент шаҳар, Учтепа туман ТСРЎ инспекциясида 04.07.2013 йилда 005910-01-реестр тартиб рақами билан давлат рўйхатидан ўтган “MASTER GROUP LUX” хусусий корхонаси (СТИР 302 653 579) ягона таъсисчисининг 30.04.2018 йилдаги 1-сонли қарорига асосан тугатилади.

Даъволар эълон чоп этилган кундан бошлаб, 2 ой мобайнида Тошкент шаҳар, Учтепа туман, G9-мавзе, 2-уй, 67-хонадон манзилида қабул қилинади.

Тел.: (90) 930-36-59.

***

Хамза туман Тадбиркорлик субъектларини давлат рўйхатидан ўтказиш инспекцияси томонидан 2012 йил 28 августдаги 003774-07-сонли реестр рақами билан рўйхатга олинган “POWER TRANS SERVICE” масъулияти чекланган жамияти (СТИР: 302 154 344) тугатилади.

Асос ўз-ўзини тугатиш тўғрисидаги 27.04.2018 йилдаги 1-сонли қарор.

Кредиторлар ва дебиторлар даъволари 2 ой муддатда 347-73-76 телефон рақами орқали қабул қилинади.

***

Яшнобод туман Тадбиркорлик субъектларини рўйхатдан ўтказиш инспекцияси томонидан 2016 йил 27 январда 006051-07-сонли реестр рақами билан давлат рўйхатига олинган “WHITEBERRY SERVICE” МЧЖ (СТИР: 303 760 746) тугатилади.

Асос ўз-ўзини тугатиш тўғрисидаги 26.04.2018 йилдаги 1-сон баённомаси.

Кредиторлар ва дебиторлар даъволари 2 ой муддатда (90) 323-77-01 телефон рақами орқали қабул қилинади.

***

Яшнобод туман Тадбиркорлик субъектларини давлат рўйхатидан ўтказиш инспекцияси томонидан 2013 йил 13 мартда 003380-07-сонли реестр рақами билан давлат рўйхатига олинган “QURILISH KOMFORT DIZAYN” МЧЖ ўз устав фондини 524 830 000 сўмдан 345 100 000 сўмга камайтираётганлигини маълум қилади. Тел.: (95) 143-16-64.

***

Яшнобод туман “Ягона дарча” маркази томонидан 2017 йил 1 июнда 522439-сонли реестр рақами билан давлат рўйхатига олинган “METALLIK TRADE” МЧЖ ўз устав фондини 525 000 000 сўмдан 288 750 000 сўмга камайтираётганлигини маълум қилади. Тел.: (93) 550-22-52.

***

Яшнобод туман Тадбиркорлик субъектларига давлат хизматларини кўрсатиш “Ягона дарча” маркази томонидан 2017 йил 11 январда 006746-07-сонли реестр рақами билан давлат рўйхатига олинган “JAVA BURGER” МЧЖ (СТИР: 304 527 004) тугатилади.

Асос ўз-ўзини тугатиш тўғрисидаги 24.04.2018 йилдаги 1-сон баённомаси.

Кредиторлар ва дебиторлар даъволари 2 ой муддатда (94) 620-88-08 телефон рақами орқали қабул қилинади.

***

Яшнобод туман Тадбиркорлик субъектларини давлат рўйхатидан ўтказиш инспекцияси томонидан 2014 йил 22 майда 005102-07-сонли реестр рақами билан давлат рўйхатига олинган “AVTOSANOAT OIL” МЧЖ ўз устав фондини 3 696 919 070 сўм 3 тийиндан 565 357 610 сўмга камайтираётганлигини маълум қилади. Тел.: (91) 615-80-88.

Яшнобод туман Тадбиркорлик субъектларини давлат рўйхатидан ўтказиш инспекцияси томонидан 2014 йил 25 июндаги 004143-07-сонли реестр рақами билан давлат рўйхатга олинган “HOUSE BENEFIT GROUP” масъулияти чекланган жамияти (СТИР: 302 413 536) тугатилади.

Асос ўз-ўзини тугатиш тўғрисидаги 27.04.2018 йилдаги 1-сонли қарор.

Кредиторлар ва дебиторлар даъволари 2 ой муддатда 347-73-76 телефон рақами орқали қабул қилинади.

***

Яшнобод туман Тадбиркорлик субъектларига давлат хизматларини кўрсатиш “Ягона дарча” маркази томонидан 2018 йил 6 январда 562424-сонли реестр рақами билан давлат рўйхатига олинган “HELP OF VISA” ОК (СТИР: 305 197 179) тугатилади.

Асос ўз-ўзини тугатиш тўғрисидаги 12.04.2018 йилдаги 1-сон баённомаси.

Кредиторлар ва дебиторлар даъволари 2 ой муддатда (71) 291-66-62 телефон рақами орқали қабул қилинади.

***

Миробод туман “Ягона дарча” маркази томонидан 23.08.2017 йилда 539355-сонли реестр рақами билан рўйхатдан ўтган “STYLE” МЧЖ (ИНН 305 033 366) таъсисчисининг 11.04.2018 йилдаги қарорига асосан тугатилади.

Даъволар эълон чиққан кундан бошлаб, 2 ой муддат ичида Миробод туман, Нукус кўчаси, 4-уй манзилида қабул қилинади.

Тел.: +99890 928-66-82.

***

Бектемир туман ҳокимлиги ҳузуридаги “Ягона дарча” маркази томонидан 2016 йил 14 декабрда 001922-02-сонли реестр рақами билан рўйхатга олинган “DILNOZA BUSINESS TRADE” ХК мулкдорининг қарорига асосан ихтиёрий тугатилади.

СТИР: 304 475 846.

Даъволар эълон чоп этилган кундан бошлаб, 2 ой муддатда қуйидаги телефон рақамида қабул қилинади.

Тел.: (+99890) 371-40-12.

Мирзо Улуғбек туман давлат хизматлари маркази томонидан 15.04.2013 йил №008027-04-сонли рақам билан рўйхатдан ўтган, ҳуқуқий манзили Мирзо Улуғбек туман, Дўрмон йўли кўчаси, 2-уй манзилида жойлашган “UZKABEL KOMMUNAL SERVIS” ИНН: 207 180 843 масъулияти чекланган жамияти таъсисчисининг 2018 йил 11 апрелдаги 1/2018-сонли баённомасига асосан тугатилади.

Даъволар эълон чоп этилган кундан бошлаб 2 ой муддатда қабул қилинади.

Тел.: (94) 935-84-99.

***

Мирзо Улуғбек туман давлат хизматлари маркази томонидан 25.01.2018 йил №568984-сонли рақам билан рўйхатдан ўтган, ҳуқуқий манзили Мирзо Улуғбек туман, Аҳиллик кўчаси, ТТЗ Ширин бозори 3-дўкон манзилида жойлашган “BUTCHER TRADING” ИНН: 305 245 592 хусусий корхонаси таъсисчисининг 2018 йил 3 апрелдаги 1-сонли қарорига асосан тугатилади.

Даъволар эълон чоп этилган кундан бошлаб, 2 ой муддатда қабул қилинади.

Тел.: 300-90-01.

***

Мирзо Улуғбек туман давлат хизматлари маркази томонидан 20.10.2014 йил №009327-04-сонли рақам билан рўйхатдан ўтган, ҳуқуқий манзили Мирзо Улуғбек туман, Қорасув-1 мавзеси, 24аб-уй, 41-хона манзилида жойлашган “SHRS BROK SERVICE” ИНН: 303 072 716 масъулияти чекланган жамияти таъсисчисининг 2018 йил 5 апрелдаги 2-сонли қарорига асосан тугатилади.

Даъволар эълон чоп этилган кундан бошлаб, 2 ой муддатда қабул қилинади.

Тел.: 474-33-33.

***

Тошкент шаҳар, Учтепа туман Давлат хизматлари марказида 566050 реестр рақами билан 17.01.2018 йилда давлат рўйхатидан ўтган (почта манзили: Учтепа туман, Қашқарий 3-берк кўчаси, 2-уй) “OSIYO-ZARKONLARI” масъулияти чекланган жамияти (СТИР 305 226 046) таъсисчисининг 30.04.2018 йилдаги қарорига асосан тугатилади.

Даъволар эълон чоп этилган кундан бошлаб 2 ой мобайнида қабул қилинади.

Қашқадарё вилоят адлия бошқармасининг 2018 йил 13 апрелдаги буйруғига асосан Қарши шаҳридаги “Мадад маслаҳатчи” адвокатлар ҳайъати адвокатлари Муродов Тоғмурод Жониқулович бошқарма томонидан 2015 йил 20 августда берилган KS 000227-рақамли ва Нурматов Убайдулла Ташмурадовичга 2014 йил 10 февралда берилган KS 000192-рақамли адвокатлик фаолияти билан шуғулланиш ҳуқуқини берувчи лицензияларининг амал қилиши тугатилди.

***

Мирзо Улуғбек туман давлат хизматлари маркази томонидан 28.12.2017 йил №561181-сонли рақам билан рўйхатдан ўтган, ҳуқуқий манзили Мирзо Улуғбек туман, Оймариқ кўчаси 10/14-уй манзилида жойлашган “BUMBLE-BEE INTERNATIONAL SCHOOL AND KINDERGARTEN” ИНН: 305 188 893 нодавлат таълим муассасасининг 2018 йил 20 апрелдаги 2-сонли қарорига асосан тугатилади.

Даъволар эълон чоп этилган кундан бошлаб, 2 ой муддатда қабул қилинади.

Тел.: 157-85-82.

***

Мирзо Улуғбек туман давлат хизматлари маркази томонидан 06.03.2017 йил №011701-04-сонли рақам билан рўйхатдан ўтган, ҳуқуқий манзили Мирзо Улуғбек туман, Мустақиллик шоҳ кўчаси, 79-уй манзилида жойлашган “ARCHISAD ENGINEERING AND CONSTRUCTION” ИНН: 304 717 210 масъулияти чекланган жамиятининг 2018 йил 23 апрелдаги 1/2018-сонли баённомасига асосан тугатилади.

Даъволар эълон чоп этилган кундан бошлаб, 2 ой муддатда қабул қилинади.

Тел.: 738-84-88.

***

Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги томонидан 10.01.2014 йилда рўйхатга олинган “A'LAMXAN TEXTILE” масъулияти чекланган жамияти (СТИР: 304 766 791) фаолияти корхона муассисларининг 2018 йил 23 апрелдаги 1-сонли қарорига асосан (ПҚ 630-қарорига асосан) ихтиёрий тугатилади.

Даъволар эълон чоп этилган кундан бошлаб 2 ой мобайнида Олмазор туман, Тансиқбоев 3-кўчаси, 31-уй, 116-117-хонадон манзилида қабул қилинади.

Тошкент шаҳар, Учтепа туман Давлат хизматлари марказида 06.06.2017 йилда 523761 сон билан қайта давлат рўйхатидан ўтган “OQSAROY FOOD” масъулияти чекланган жамияти (СТИР 304 929 359) таъсисчисининг 2018 йил 23 апрелдаги 1-сон қарорига асосан тугатилади.

Даъволар эълон чоп этилган кундан бошлаб, 2 ой мобайнида Тошкент шаҳар, Учтепа туман, 23-мавзе, Катта Хирмонтепа кўчаси, 68b-уй манзилида қабул қилинади.

Тел.: (94) 605-95-31.

***

Тошкент шаҳар, Учтепа туман “Ягона дарча” марказида 06.04.2017 йилда 503516 сон билан давлат рўйхатидан ўтган “WELCOME TEXTILE” хусусий корхонаси (СТИР 304 805 268) таъсисчисининг 2018 йил 24 апрелдаги 1-сонли қарорига асосан тугатилади.

Даъволар эълон чоп этилган кундан бошлаб, 2 ой мобайнида Тошкент шаҳар, Учтепа туман, Изза мавзе, 102-уй, 129-хонадон манзилида қабул қилинади.

Тел.: (98) 121-12-41.

***

Мирзо Улуғбек туман давлат хизматлари маркази томонидан 12.10.2011 йил №006890-04-сонли рақам билан рўйхатдан ўтган, ҳуқуқий манзили Мирзо Улуғбек туман, БИЙ мавзеси, 38-уй, 6-хона манзилида жойлашган “ADAS DESIGN” ИНН: 302 117 294 хусусий коронасининг 2018 йил 24 апрелдаги 1-сонли қарорига асосан тугатилади.

Даъволар эълон чоп этилган кундан бошлаб, 2 ой муддатда қабул қилинади.

Тел.: 992-35-74.

***

Миробод туман Архитектура Қурилиш касб-ҳунар коллежи томонидан 2014 йилда Восиқов Маҳмуджон Рустам ўғлига берилган K 3513223 рақамли диплом йўқолганлиги сабабли бекор қилинади.

***

2013 йил 24 майда Бектемир тумани ягона дарча марказидан 2166-рақам билан рўйхатдан ўтган “Rossprotex” масъулияти чекланган жамияти (СТИР:302617756) устав фонди бўлган 1009838 АҚШ доллари 30 центдан 909 838 АҚШ доллари 30 центга камайтираётганлигини маълум қилади. Тел.: (90) 323-44-90, (71) 292-76-03.

## Адлия вазирлигида

# АХБОРОТ-ТАҲЛИЛ

## мультимедиа маркази тузилди



Давлатимиз раҳбарининг 2018 йил 13 апрелдаги Фармон ва Қарорига кўра Адлия вазирлигининг Жамоатчилик билан алоқалар бўлими қошида Ахборот-таҳлил мультимедиа маркази тузилди.

Мазкур марказ аҳолини ҳуқуқий ахборотлар билан таъминлашга, жамиятда ҳуқуқий онг ва ҳуқуқий маданиятни янада юксалтиришга, қонунчиликдаги муҳим ўзгаришлар ҳақида ўз вақтида фуқароларни хабардор қилишга хизмат қилади. Жумладан, янги қабул қилинган қонунлар, меъёрий-ҳуқуқий ҳужжатлар ҳақида ахборот-таҳлилий материаллар орқали таништириш, фуқароларга ҳуқуқий тушунтиришлар бериш, ҳуқуқий билимларни янада оширишга бағишланган лойиҳалар ташкиллаштириш, шарҳталаб қонун ҳужжатларининг моҳиятини содда, халқчил тилда етказиш каби мақсадларни ўз олдига қўйган.

Шу билан бирга, ҳуқуқбузарликларнинг олдини олиш мақсадида ваколатли органлар томонидан давлат органлари ва бошқа ташкилотларнинг давлат хизматларини кўрсатиш фаолияти бўйича ўрганишлар ва текширишлар, шунингдек, қўпол қоидабузарликлар ва тизимли камчиликлар, айбдорларга нисбатан кўрилган чоралар, аризачиларнинг қайта тикланган ҳуқуқлари тўғрисида аҳолини хабардор қилиб боради.

Бундан ташқари, аҳолининг барча қатламлари билан мулоқот ўрнатиш, давлат хизматларига бўлган эҳтиёжни ўрганиш, ижтимоий тармоқлар ва мобиль иловаларни кенг қўллаш орқали ушбу соҳанинг энг долзарб камчиликларини жамоатчилик ўртасида муҳокама қилишга қаратилган лойиҳаларни ҳам амалга оширади.

Яна бир муҳим янгилик ҳақида тўхталиб ўтмоқчиман. Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги ва Ўзбекистон миллий телерадиокомпаниясининг “Madaniyat va ma’rifat” телерадиоканали ДУК таркибида “Huquqiy axborot” телестудияси ташкил этилди.

Адлия вазирлиги “Huquqiy axborot” телестудиясини, энг аввало, мамлакатимизда олиб борилаётган ислоҳотларнинг, шунингдек, қабул қилинаётган қонун ҳужжатларининг мазмун-моҳиятини аҳолига етказишга қаратилган сифатли эфир материаллари билан таъминлаб боради.

Ҳуқуқий ахборотлар беришда узлуксизликни таъминлаш, сифатли ва долзарб аҳамиятга эга бўлган ҳуқуқий ахборотларни етказиш мақсадида вазирликда адлия органлари ва муассасалари вакилларидан иборат ишчи гуруҳи тузилди. Ишчи гуруҳи томонидан аҳоли орасида оммабоп, шу жумладан, электрон оммавий ахборот воситаларида қонун ҳужжатларининг мазмун ва моҳиятини тушунтирувчи материаллар тайёрланади ва аҳолига етказилади.

Шу билан бирга, тез кунларда ушбу телестудияда “Знай свои права”, “Қонун барчага баробар” ва “Қонунни бузма” каби теледастурлар тайёрланиб, эфирга узатилади.

Асосий мақсад, ҳуқуқий ахборотни инсонлар учун қулай бўлган вақтда ва кўринишда етказишга эътибор қаратилмоқда.

**Севара УРУНБОЕВА,**
**Адлия вазирлигининг Жамоатчилик билан алоқалар бўлими бошлиғи**

ИСЛОҲОТ ЙЎЛИДАГИ ОДИМЛАР

ПРЕЗИДЕНТИМИЗНИНГ 2017 йил 30 ноябрдаги “Суд-тергов фаолиятида фуқароларнинг ҳуқуқ ва эркинликлари кафолатларини кучайтириш бўйича қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида”ги Фармонининг қабул қилиниши чин маънода суд-ҳуқуқ тизимидаги энг дадил қадамлардан бири бўлди.



## Суд тергов тизимида

# ХОЛИС ЁНДАШУВ

Ушбу Фармоннинг қабул қилинишига қандай эҳтиёж сабаб бўлди?

Мамлакатимизда фуқаролар эркинлик ва шахсий дахлсизлик ҳуқуқига эга-ку, қолаверса, жиноят содир этганликда айбланаётган шахснинг иши судда қонуний тартибда кўриб чиқилиб, айби аниқланмагунча у айбдор ҳисобланмаслиги конституциявий нормаларда ўз аксини топган-ку, деган ўй хаёлимиздан ўтади. Бироқ 2017 йилда давлат ҳокимияти тизимида ташкил топган мутлақо янги институт — Ўзбекистон Республикаси Президентининг Виртуал қабулхонаси ҳамда жойлардаги Халқ қабулхоналарига келиб тушган мурожаатлар атрофлича ўрганилганда ушбу ҳуқуқ ва имтиёзларни таъминлаш бўйича қўшимча чоралар кўриш заруурлиги аён бўлди.

Қолаверса, Юртбошимиз ўринли эътироз билдирганидек, “...“текшир-текшир” ва “деди-деди” қабилидаги гаплар асосида жавобгарликка тортишлардан халқимиз қаттиқ чарчаган”.

Мазкур Фармонда қонунчиликда жиноят ишларини тергов қилиш ва кўриб чиқиш жараёнида далилларни тўплаш, мустаҳкамлаш, текшириш ва баҳолашда қонунийлик ва холисликни таъминлашга тўсқинлик қилувчи ҳуқуқий бўшлиқлар мавжудлиги таъкидланди.

Бу аҳолининг асосли эътирозига, ҳуқуқни муҳофаза қилувчи органларга ва суднинг беғаразлигига бўлган ишончининг пасайишига олиб келди.

Бугун одамларнинг онг ва тафаккурида суд ва уларнинг қарорларига бўлган ишончсизлик руҳи шаклланиб қолган. Бу тизим фаолиятидаги энг салбий нуқсонлардан бири бўлиб келмоқда.

Мавжуд амалиётда масалани чуқур ўрганиш, факт ва далиллар асосида ишни таҳлил қилиш борасида етарлича камчилик ва муаммолар мавжуд.

Бунга чек қўйиш мақсадида Фармонда суд-тергов жараёнида амалга ошириш мумкин бўлмаган ҳолатлар бирма-бир қайд этиб ўтилди.

Жумладан, мавжуд далиллар мажмуи билан тасдиқланган ҳоллардан ташқари, жабрланувчи, гувоҳ, гумон қилинувчи, айбланувчи, судланувчининг тахмин, фараз ёки миш-мишларга асосланган кўрсатувларидан олинган ҳамда тегишли равишда юридик кучга эга бўлмаган маълумотлардан жиноят ишлари бўйича далил сифатида фойдаланишга йўл қўйилмаслиги белгиланди. Шунингдек, номаълум манбадан ёхуд жиноят иши бўйича иш юритиш жараёнида аниқлаш мумкин бўлмаган манбадан, дастлабки тергов жараёнида жабрланувчи, гувоҳ, гумон қилинувчи, айбланувчи, судланувчининг судда мавжуд далиллар мажмуи билан ўз тасдиғини топмаган кўрсатувларидан фойдаланиш ман этилди.

Муҳими, Жиноят-процессуал кодексида тўғридан-тўғри назарда тутилган ҳоллардан ташқари, судларда жиноят ишларининг ошкора кўрилиши принципини чеклайдиган қўшимча талабларни жорий этиш тақиқланди.

Айтиш ўринлики, ноқонуний ва рухсат этилмаган услублар, яъниким, қийноққа солиш, психологик ва жисмоний тазйиқ, бошқа шафқатсиз, ғайриинсоний ёки қадр-қимматни камситувчи муомала турларидан фойдаланиб қўлга киритилган маълумотлар тўғрилиги, холислиги ва ҳаққонийлиги шубҳа остида қолади.

Шу боис Фармонда гувоҳ, жабрланувчи, гумон қилинувчи, айбланувчи, судланувчидан процессуал қонунчилик нормаларини бузган ҳолда олинган кўрсатувлар, эксперт хулосаси, ашёвий далиллар, аудио ва видеоёзув ҳамда бошқа материаллардан далил сифатида фойдаланишга чек қўйилиши ўз тасдиғини топди.

Яна бир муҳим жиҳат шундаки, белгиланган тартиб ва қоидаларни бузганлик учун қатъий жавобгарлик тайинланмас экан, ушбу ҳолатлар яна ва яна такрорланиши эҳтимолдан холи эмас. Фармонда шахсни ноқонуний ушлаб туриш, қамоққа олиш, жиноий жавобгарликка тортиш ёки ҳукм қилишга сабаб бўлган, ҳужжатлар ёки ашёларга била туриб ёлғон маълумотлар ва бошқа бузиб кўрсатилган далилларни киритиш, ҳақиқатга тўғри келмайдиган кўрсатув беришга мажбурлаш, иш бўйича ҳақиқий ҳолатларни бузиб кўрсатиш орқали далилларни қалбакилаштирганлик учун, ёлғон гувоҳлик ва ёлғон хабар берганлик учун жавобгарликни кучайтиришни назарда тутган ҳолда жиноий жавобгарлик киритилган.

**Қаҳрамон МИРСАФАЕВ,**
**жиноят ишлари бўйича Яшнобод туман суди судьяси**

БИЛАСИЗМИ?

# 3 МАЙ — ҚУЁШ КУНИ




ҚУЁШ сайёрамизнинг ҳаёт манбаи. Қуёш нурларисиз Ерда ҳаёт бўлмайди. Қуёш асосан икки газ-водород ва гелийдан иборат улкан қизиган шар. У биздан 150 миллион километр йироқда жойлашганлиги сабабли осмонда кўзни оладиган даражада ёрқин кичкина доирача бўлиб кўринади. Қуёшнинг кўндаланг кесими ўлчами Ерникидан 109 баравар катта, қуёшни ташкил этган моддадан эса бизнинг Еримиздек 330 мингта шар ясаш мумкин бўлар экан. Қуёш сиртининг ҳарорати 6000 даража, унинг ичкарисида, марказига яқин жойда эса иссиқлик 15 миллион даражагача боради.

“Авесто” китобида алоҳида бўлим “Қуёш қасидаси” деб номланиб, унда “Офтоб дегани Ердан анчайин узоқда, ўзини ўзи куйдириб ёндириб портлаб, порлаб яшайди. Қуёш замин фарзандларига масъул. Эҳтимолки, унинг еттиқат самога ҳам масъуллиги бордир. Жумлаи-жаҳонни асрамоқ унгагина хос”дир, деб кўрсатилган.

Қуёш сониясига миллиард килограммдан ортиқ вазн йўқотади. Бу қуёш шамоли — Қуёш сирти бўйлаб турли йўналишларда ҳаракатланаётган частицалар оқими орқали амалга оширилади. Унинг табиати ва сабаблари тўлалигича ўрганилмаган. Айтганча, қуёш шамоли заррачасининг ўзи 160 километргача бўлган масофада одам ўлдириш учун етади. Шунинг учун ҳам ҳалигача қуёшнинг барча хусусиятлари турли фан вакиллари томонидан кенг ўрганилмаган.

Эндиликда, мавжуд табиат ресурслари тугаб бораётган бир даврда қуёш нурларидан фойдаланиш ҳам инсоният олдига муҳим вазифаларни қўймоқда. Ваҳоланки, биз бундан буён муқобил манбалардан оқилона фойдаланишимиз лозим.

Таҳлилларга қараганда, ҳозиргача дунёнинг 80 га яқин мамлакатида муқобил энергия манбалари соҳасида миллий қонунчилик яратилган, 70 га яқин мамлакатда эса муқобил энергия манбалари билан ишлаш ҳажмини кўпайтиришга ҳаракат қилинмоқда.

Ҳозирги кунда муқобил энергиядан фойдаланиш бўйича Германия, Япония, Хитой, Малайзия, Жанубий Корея, Испания ва АҚШ давлатлари етакчилик қилмоқда. Германия атом электр станцияларидан фойдаланишдан воз кечмоқда, бу давлат 2020 йилгача электр энергиясининг 20 фоизини муқобил энергиядан олишни режалаштирган, ҳар йили эса 100 минг уйнинг томини қуёш панеллари билан қопламоқда. Бундай усулдан фойдаланиш ҳар томонлама қулайлик туғдиради, ҳеч қандай ортиқча жой талаб қилмайди, аксинча, уйни хоҳлаган вақтда иситиш, хонадон эҳтиёжини тўлалигича электр энергияси билан таъминлаш мумкин бўлади.

Жаҳонда биринчилардан бўлиб муқобил энергиядан Япония, Германия, Хитой, АҚШ ва бошқа давлатларда кенг фойдаланила бошланди. Бунинг асосий сабабларидан бири бу давлатларда ёқилғи қазилма бойликларининг камлиги, демографик ҳолати юқори даражада эканлиги ҳамда энергетика ресурсларига нисбатан эҳтиёжнинг жуда кўплигидир.

Ўзбекистонда муқобил энергиядан фойдаланишни биринчилардан бўлиб академиклар Убай Орипов, Содиқ Азимовлар 1950 йиллардан бошлаб уйларни иситиш, иссиқ сув билан таъминлаш учун қуёш коллекторларини ишлаб чиқишган ва бир неча уйлар қурилиб тажриба синовлари ўтказилган.

Қуёш энергиясидан биз фақат электр энергияси олиш учун эмас, балки ундан коллекторлар орқали сув иситишда, қуёш ўчоғи орқали овқат, нон пиширишда, чучук сув олишда, меваларни қуритишда фойдаланишимиз мумкин. Ҳозирда Ҳиндистон ва Хитой давлатларида 2 миллиондан ортиқ қуёш ўчоқлари мавжуд.

Дубай шаҳрида қуёш нурларини электр энергиясига айлантириб берувчи катта электростанция қурилиши бошланган. Режа бўйича 2030 йилга келиб, мамлакат аҳолисининг электр қувватига бўлган эҳтиёжининг ўн беш фоизини ана шу электростанция қондиради. Ҳозирги кунда эса Бирлашган Араб Амирликлари тўқсон тўққиз фоиз электр қувватини табиий газдан оляпти. Электрдан фойдаланиш йилига беш фоизга ошаётган бир пайтда қуёш нури орқали ток қувватига эга бўлиш энг арзон ва экологик тоза усулдир.

Алоҳида таъкидлаш жоизки, Ўзбекистонда қуёш бир йилда 320 кундан ортиқ нур сочади ва олинган қуёш энергиясидан самарали фойдаланиш мумкин. Ўзбекистонда муқобил энергия манбаларидан, энг аввало, қуёш энергиясидан фойдаланиш соҳасида илмий ва экспериментал тадқиқотлар олиб бориш борасида салмоқли тажриба тўпланган бўлиб, улар юзасидан бир неча ўн йиллар мобайнида ишланмалар олиб борилмоқда. Республикада Марказий Осиёда ўхшаши йўқ илмий-экспериментал марказ — Фанлар академиясининг “Физика-Қуёш” илмий-ишлаб чиқариш бирлашмаси ташкил қилинган бўлиб, унинг тадқиқотлари натижалари жаҳон миқёсида эътироф этилмоқда.

Ҳукуматимизнинг энергетика соҳасида чиқараётган ҳар бир қарорида аҳолининг муқобил энергия ҳақида кенг маълумотга эга бўлиши лозимлиги кўрсатилмоқда. Бугунги кунда муқобил энергиядан фойдаланувчи истеъмолчилар давлатга ҳеч қандай ҳақ тўламайди ва ҳозирги пайтда “Муқобил энергия тўғрисида”ги қонун ишлаб чиқилмоқда.

Эътиборли томони шундаки, Европа давлатларида муқобил энергиядан фойдаланувчилар ўз эҳтиёжидан ортиқ энергияни давлатга сотадилар. Аҳоли электр энергияси ишлаб чиқаргани учун давлатдан ҳақ олади.

Президентимизнинг 2017 йил 8 ноябрдаги “Энергия ресурсларидан оқилона фойдаланишни таъминлаш чора-тадбирлари тўғрисида”ги Қарори билан “Энергия тежаш миллий компанияси” ташкил этилди. Унга мувофиқ, давлат органлари ва ташкилотлари 2022 йил 1 январдан марказлаштирилган иссиқ сув таъминотидан узиб қўйилади. Уларга қуёш сув иситгич қурилмалари ва маҳаллийлаштириладиган маҳсулотлар асосида Ўзбекистонда ишлаб чиқарилган энергия тежамкор лампаларини ўрнатиш босқичларини белгилаш тўғрисида топшириқ берилди.

**Жуманазар ХОЛМЎМИНОВ,**
**Тошкент давлат юридик университети “Экология ва аграр ҳуқуқи” кафедраси профессори, юридик фанлар доктори**

РЕКЛАМА

Ҳурматли юртдошлар!

ASAKA BANK

“АСАКА” акциядорлик тижорат банки

Жорий йил “Фаол тадбиркорлик, инновацион ғоялар ва технологияларни қўллаб-қувватлаш йили”, деб эълон қилиниши муносабати билан ҳисобварақларни масофадан туриб бошқариш тизимини такомиллаштириш мақсадида қуйидаги миллий валютадаги янги муддатли омонат турини таклиф этади:



“MOBILE-UZ”

Мазкур омонат “ASAKA MOBILE” мобил иловаси орқали расмийлаштирилади.

- Сиз пластик картадаги пул маблағларингизни куннинг исталган вақтида банк биносига ташриф буюрмасдан омонатга ўтказишингиз ва ҳисобварақдаги маблағлар ҳаракатини масофадан туриб бошқаришингиз мумкин.
- Ушбу омонатнинг сақланиш муддати 3 ой бўлиб, омонатга ҳисобланган фоизлар ҳар ойда омонатчининг пластик картасига ўтказиб берилади.
- Омонатнинг фоиз миқдори — 14 фоиз (йиллик).

*Шу билан биргаликда, “Асака” банк миллий ва хорижий валюталарда 30 дан ортиқ турдаги қулай шартларда муддатли омонатларни таклиф этади. Омонатларни банкнинг барча филиалларида расмийлаштириш мумкин.*

**МУРОЖААТ УЧУН ТЕЛЕФОНЛАР:**
“Асака” банк Бош офиси **(0371) 120-39-81, 120-39-60.**

| Филиаллар | Код | Телефон | Филиаллар | Код | Телефон |
|---|---|---|---|---|---|
| Тошкент шаҳар филиали | 371 | 120-83-13 | Наманган вилоят филиали | 369 | 227-15-68 |
| Автотранспорт филиали | 371 | 120-39-95 | Навоий вилоят филиали | 436 | 770-21-29 |
| Шайхонтоҳур филиали | 371 | 140-39-36 | Зарафшон филиали | 436 | 572-40-14 |
| Юнусобод филиали | 371 | 221-80-67 | Бухоро вилоят филиали | 365 | 770-05-19 |
| Сирғали филиали | 371 | 257-44-10 | Бухоро шаҳар филиали | 365 | 770-11-27 |
| Тошкент вилоят филиали | 371 | 120-84-13 | Самарқанд вилоят филиали | 366 | 233-65-47 |
| Андижон вилоят филиали | 374 | 223-60-74 | Афросиёб филиали | 366 | 221-71-76 |
| Асака филиали | 374 | 233-21-99 | Қашқадарё вилоят филиали | 375 | 221-07-41 |
| Фарҳод филиали | 374 | 226-96-63 | Сурхондарё вилоят филиали | 376 | 770-82-12 |
| Фарғона вилоят филиали | 373 | 244-39-14 | Қорақалпоғистон филиали | 361 | 770-60-59 |
| Марғилон филиали | 373 | 237-62-23 | Хоразм вилоят филиали | 362 | 228-14-81 |
| Олтиариқ филиали | 373 | 432-19-80 | Сирдарё вилоят филиали | 367 | 225-44-03 |
| Қўқон филиали | 373 | 542-61-01 | Жиззах вилоят филиали | 372 | 226-43-11 |

***Барча омонатларингиз фуқароларнинг банклардаги омонатларини кафолатлаш жамғармаси томонидан кафолатланади.***

***“Асака” банк — сармоянгизнинг сақланиши ва кўпайишини кафолатлайди!***

ИНСОН ва ҚОНУН

МУАССИС: ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ АДЛИЯ ВАЗИРЛИГИ
www.minjust.uz

2007 йил 3 январда Ўзбекистон Матбуот ва ахборот агентлигида 0081-рақам билан рўйхатга олинган

Бош муҳаррир
Қўчқор НОРҚОБИЛ

ТАҲРИР ҲАЙЪАТИ:
Жўраев Нодир Савриддинович
Рабиев Шерзад Миржалилович
Искандаров Ёрбек Нурбекович
Эргашева Дилфуза Рустамовна
Мамадалиев Зайниддин Очилович

Навбатчи
Мадҳия Авазова

Саҳифаловчи-дизайнер
Жамшид Ғофуров

Нашр индекси: 137
“ИНСОН ВА ҚОНУН” газетаси таҳририяти компьютер базасида терилди ва саҳифаланди. А-2 бичимда, 2 босма табоқ ҳажмда, офсет усулида “Ўзбекистон” нашриёт матбаа ижодий уйида чоп этилди.
Корхона манзили: Тошкент шаҳри, Навоий кўчаси, 30-уй.

Ушбу сонда ЎзА суратларидан фойдаланилди.

Тиражи — 13936
Буюртма — V-1534

Топшириш вақти — 19:00
Топширилди — 21:40

МАНЗИЛИМИЗ:
100 000, Тошкент ш. Сайилгоҳ кўчаси-35.
Факс: (0371) 233-44-23, (0371) 233-44-08
Обуна бўлими: 233-44-09

Баҳоси келишилган нархда

1 2 3 4 5